



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 26-27 (540)
2007-yil 28-iyun

1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan → Chorshanba kunlari chiqadi → E-mail: hurriyat@mail.ru → http://www.hurriyat.uz

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадри дўстлар!
Сиз, азизларни — матбуот, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа ходимларини бугунги байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Матбуот ходимлари, уларга хос хусусиятлар ҳақида гапирганда, биз, аввало, сезгирлик ва зийраклик аломатларини, ҳаёт ўзгариши, дарду ташвишларини чуқур кузатадиган ва ўз қалбидан ўтказадиган, кенг дунёқараш эгаси бўлган, турли касб-хунар ва мутахассисликни ўзидан мутасаммашланган инсонларни ўзинизга тасаввур этамиз.

Бугун мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари касб байрамини нишонлар эканмиз, миллий матбуотимиз тамал тошини қўйиб, журналистика соҳаси тараққиёти йўлида қанча-қанча азоб-укубатлар, синов ва тазийқларни бошидан кечирган, халқро майдонда обрў-эътибор қозонган ўзбек журналистика мактабининг фидойилари номларини миннатдорлик билан эслашимиз ва ҳозирги вақтда сафимизда меҳнат қилиб келаётганларни юксак қадраймиз.

Биз мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни эзгу мақсад сифатида

белгилаб олган бугунги кунда оммавий ахборот воситаларимиз олдига ҳаётнинг ўзи мураккаб, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Авваламбор, сўз эркинлиги, плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги, одамларнинг ўз фикрини эркин баён қилишга имкон яратиш ва бу йўлдаги барча ғовларни олиб ташлаш, бугун чидаб бўлмайдиган эскича қараш ва қолдиқлардан бутунлай воз кечиш масалаларини нафақат қонунларимиз, балки амалий ҳаётимизда ҳам татбиқ этиш — буларнинг барчаси долзарб вазифаларимиздан бири десам, ўйлайманки, барчангиз бунга қўшилисиз.

Жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникация техника ва технологияларидан, Интернетнинг бекиёс имкониятларидан кенг фойдаланишга тайёр бўлиш матбуот, ахборот ва медиа тармоқлари, жумладан, телевидение ва радио соҳаларида хизмат қилишга ўзини бағишлаган, етук мутахассис бўлишга аҳд қилган ва бу соҳада ўз келаётигини кўрмоқчи бўлган оммавий ахборот воситалари ходимларининг фаолият мезонига айланиши зарурлигини барчамиз сўзсиз яхши англаймиз.

Ҳозирги кунда журналистика соҳасида меҳнат қилаётган ва ўз фаолиятида юксак натижаларга эришмоқчи, жамоатчилик эътиборини қозонмоқчи бўлган ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга тайёр туриши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини, биринчи галда, матбуот ва матбаа тармоқларини замонавий ахборот техника ва технологиялари билан жиҳозлаш йўлида сезиларли натижаларга эришмоқдамиз. Бунинг тасдиғини нафақат кўпгина марказий нашрлар, айни вақтда вилоят ва туманлардаги газета-журналларнинг сифати ва замонавий кўринишларига қараб ҳам сезиш қийин эмас.

Бир сўз билан айтганда, муштарийлар қўлига етиб бораётган юзлаб номдаги газета ва журналлар наинки ўзининг маъно-мазмун ва кўриниши, балки сифати билан ҳам ажралиб туриши қувончлидир.

Айни пайтда жамятимизни янада демократлаштириш ва сўз эркинлигини

таъминлаш зарурати матбуот ва матбаа тармоқлари моддий базасини мустаҳкамлаш, бу соҳада хизмат қилаётганларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, газета ва журналлар тахририятлари эркинлиги ва мустақиллигини, шу билан бирга, масъулиятини оширишни ҳам тақозо этади.


Ўйлайманки, нафақат давлатимиз ва жамоатчилигимиз, балки нодавлат-нотихорат ташкилотларнинг эътиборини ҳам шу масалага қаратиш ҳар томонлама ўринли бўлур эди. Бу борада ўзимизда ва тараққий этган давлатларда тўпланган тажрибалардан фойдаланиш, ўзини оқлаган ютуқларни жорий этиш оммавий ахборот воситаларини ислоҳ қилиш йўлидаги муҳим аҳамиятга молик вазифадир.

Сизларни бугунги кутлуг байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Парламентда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмухаммедов "Ижтимоий ҳимоя йили"га ана шундай таъриф берди. Дарҳақиқат, ушбу йилга доир дастурни амалга оширишда кенг қўламли тизим ишлаб чиқилган, чора-тадбирлар белгиланган ва, айтиш жоизки, мамлакат миқёсида катта ишлар олиб борилмоқда. Шундай экан, бу воқеалар оммавий ахборот воситаларида қандай ёритилмоқда?



Йилнинг бош мавзуси

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган "Ижтимоий ҳимоя йили" мақсад ва моҳиятининг ОАВда ёритилиши мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шундай саволга жавоб изланди. Маълумотларга қараганда, ўтган муддат ичида ОАВда ижтимоий ҳимоя мавзусига доир 1500 га яқин чиқиш қилинган. Бу камми ё қўп? Гап сонда эмас. Ахборот ҳам зарур, лекин тахлилий мақолаларни етарли деб бўлмайди.

Давра суҳбати доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ҳамда қўмита Матбуот ва ОАВ ходимлари кўни муносабати билан парламент фаолиятини яхши ёритган бир гуруҳ журналистларни фахрий ёрлик ва совғалар билан мукофотлади.

Нуриддин РАҲИМОВ

Тадбир

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ва Қўқон шаҳар ҳокимиёти ҳамкорлиқда ўтказган илмий-амалий конференция "XX аср тараққийпарвар Фарғона илк нашрларининг тарихидан" мавзусига бағишланди.

Қўқонда анжуман

Қўқон шаҳар ҳокими Ҳаётқон Каримов нуфузли анжуманнинг республикамиз оммавий ахборот воситалари ходимлари аъънавий касб байрами арафасида ўтказишга амалдор мамнули билдириб, конференция ишига муваффақият тилади.

Ижодий уюшманинг Фарғона вилоят бўлими раиси Мухаммаджон Обидов конференцияга таъриф буюрган меҳмонларни таништириш билан бир қаторда мазкур анжуманнинг айнан Қўқон шаҳрида ўтказишга бежиз эмаслигини таъкидлади.

Маълумки, XX аср бошларида қўқонлик тоғ-кон муҳандиси, маърифатпарвар савдогар-тадбиркор Обидов Маҳмудовнинг ташаббуси ва саз-ҳаракати билан "Садои Фарғона" газетаси чиқа бошлаган эди. Мазкур нашр умри қисқа бўлишига қарамай миллий матбуотимиз тарихида алоҳида аҳамият касб этган.

"Садои Фарғона"нинг Бухоро ва Самарқанд, Тошканду Андижон улқаларида ўз муҳбирлари бўлган. Масалан, Андижон худудлари бўйича оташнафас шоиримиз Чўлпон муҳбирлик қилган эди. Чор Россияси ҳукмдорларига маҳаллий халқнинг ўз матбуотида эга бўлиши хуш келмади ва "Садои Фарғона"нинг ривожланишига тўсиқлар қўйиб берди. Шўро даврида эса мазкур газетанинг миллий тараққийлигидаги ўрни ва аҳамиятига муносиб баҳо берилмади.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамяти қурилиш академияси қосидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази бош илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор Назира Абдуазизова ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Бойбўта Дўстқораевлар XX аср Фарғона илк нашрларининг ўзбек журналистикаси ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Анжуман кун тартибидеги бош мавзу атрофида бугунги ўзбек журналистикаси ва матбуотининг нуфузи ҳамда муаммолари ҳақида гап борди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, таниқли адиб ва публицист Хуршид Дўстмухаммедов "Журналистикада тажриба-маҳорат мактаби", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ва "Правда Востока" газетаси бош муҳаррири Аббосхон Усмоновлар "Жамоатчилик фикрини шакллантиришда матбуотнинг роли" мавзусларида сўзга чиқдилар.

Анжуман меҳмонлари илмий-амалий конференциянинг ўринли ташкил этилганлигини таъкидлаб миннатдорчилик билдиришди.

МУҲБИРИМИЗ

Абдурашул ҲАКИМОВ чизган

— **Олтин балиқ, сендан ягона ўтинчим неварамни журналист қилиб берсанг.**
— **Афсус, илтимосининг бажаролмайман, бобо. Неварамда иқтидор бўлмас, бу юмуш менинг ҳам қўлимдан келмайди...**

Яқун

Юртимизда 2000 йилдан буён доимий фаолиятдаги уч босқичли оммавий спорт тизими амалга оширила бошлади. Мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчи-ёшларининг «Баркамол авлод» ва олий ўқув юртлири талабалари ўртасидаги «Универсиада» спорт ўйинлари мамлакатимиз ёшларининг кенг қатламини камраб олиш мақсадида шакллантирилган. Босқичма-босқич амалга ошириладиган спорт ўйинлари ўз самарасини бермоқда. Кечгагина «Умид ниҳоллари» катнашчиси бўлган ўқувчилар «Универсиада» мусобақаларига таниқли спорт юлдузларига айланмоқда.

Навбат — Андижонга



"Универсиада-2007" мусобақалари ҳар галгидан ҳам ўзағачароқ кечди. Аввало, ўйинлар пойтахтимизда ўтаётганлиги билан эътиборга молик. Универсиадада қатнашчиларнинг 80% ўз она юрти пойтахтига биринчи марта келишлари эди. Шунинг учун ҳам бу йилги спорт ўйинларини мусобақадан кўра кўпроқ фестивал-байрамга қийслаш мумкин. Ёзувчи-шоирлар, эстрада вакиллари, актёрлар билан учрашувлар, театрларда томоша қилинган спектакллар, Тошкент бўйлаб саёҳат — буларнинг ҳаммаси қатнашчилар учун "Универсиада-2007"нинг унутилмас воқеа бўлиб қолишига сабаб бўлди.

Мусобақалар даражаси ҳақида ҳар хил фикр билдириш мумкин. Бунда тенгма-тенг беллашувлар ҳам, бир томоннинг қўли жуда банд келиш ҳоллари ҳам бўлди. Кўпинча Тошкент шаҳри жамоаси ўзининг мўтлақ кучли эканлигини кўрсатди. (Бу жамоа ўтган "Универсиада" спорт ўйинларида ҳам кучли ўқликдан ўрин олиб келаёттир). Умуманам ҳисобда кўтилмаган натижалар юз бермади: юқори уч ўринни Тошкент, Наманган ва Самарқанд жамоалари бўлишиб олди. Биринчи ўринга Президент табригининг асл нусхаси ва "Дамас" автомашинаси, иккинчи ҳамда учинчи ўринларга ҳам "Дамас" автомашиналари тақдим этилди. Мусобақалар доирасида турли номинациялар ҳам таъсис этилган бўлиб, соҳибу соҳибалари аниқланди, уларга эсталик ва қимматбахо совғалар топширилди.

"Универсиада-2007" доирасида 230 нафар талаба чемпион деб топилди. Улар орасида эл таниган спортчилар ҳам, энди кашф этилган умидли ёшлар ҳам бор эди. Шу ўринда бир мулоҳазани билдириб ўтмасак бўлмас. Талабаларнинг "Универсиада"сида олий лига вакиллари, Осиё ва ҳатто жаҳон чемпионлари ҳам катнашди. Тўғри, улар ҳам қайсибир олий ўқув юрти талабалари бўлиши мумкин. Лекин таниқли спортчиларнинг беллашувага тушиши кўпинча кучлар номуаносиблигини келтириб чиқарар ва бу "Универсиада" ўйинларида янги умидли ёшларни кашф этиш имкониятини бироз чекламасмикин?

Яқшанба кўни "Ёшлик" спорт мажмуасида бўлиб ўтган "Универсиада-2007" ўйинлари ёпилиш маросими ҳақиқий талабалар байрамга айланиб кетди. Раъсий байроқни мезбонлар Андижон спортчиларига топширишди. Навбатдаги "Универсиада-2010" мусобақаларига Андижон вилояти мезбонлик қиладиган бўлди. Машъала вақтинчалик ўтирилди. Расмий қисмдан кейин талабалар учун эстрада вакилларининг концерт дастури бўлиб ўтди.

Шундай қилиб, талабаларнинг яна бир "Универсиада" ўйинлари тарихга айланди. Шўқуҳи эса ҳали-бери дилларни тарқ этмағай.

Ф. ЖАБОРОВ

Хабар

Байрам кечгача давом этди



Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишланган тантанали тадбир бу гал ҳам Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов очиб, жумладан, барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни холис, тезкор ва ҳаққоний етказишда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти, давлатимиз раҳбари томонидан миллий мат-

буотни янада ривожлантириш, либераллаштириш, самарали ишлаш учун ҳар томонлама шароит яратиш, журналист кадрларни шакллантиришда кенг қўламли ишлар олиб борилаётганига эътибор қаратди.

Маълумки, ҳар йили байрам арафасида "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови яқунланади. Тадбирда танлов голиблари эълон қилинди (Танлов голиблари рўйхати қуйида берилмоқда). Голибларга махсус диплом ва қимматбахо совғалар тантанали равишда топширилди. Шунингдек, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари спорт мавзусида ёзандиган бир гуруҳ журналистларни сертификат, пул ва қимматбахо совғалар билан тақдирлади.

Тадбир сўнггида таниқли санъаткорлар ижросида катта байрам дастури намойиш этилди.

Шу кўни пойтахтимизда байрам сурури кечгача давом этди. Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ижодкорлар ва уларнинг оилалари учун байрам сайли уюштирилди.

Шерзод УРДАШЕВ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ-2006» танлови голиблари


- Орифжон АҲМЕДОВ,** ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлари бош муҳаррири катта муҳаррири —
"Бир асар тарихи" маънавий-маърифий ва бадий мавзудаги туркум кўрсатувлари учун
- Мухаммад ДИЛРОМ,** Мустақиллик мавзусидаги ва таълим йўналишидаги туркум адабиётларини яратишдаги хизматлари учун
- Михли САФАРОВ,** "Халқ сўзи" газетаси шарҳловчиси —
Маънавият ва маърифат мавзусидаги мақолалари туркуми учун
- Реймбой ЕШИМБЕТОВ,** "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталарининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз муҳбири —
Жамяти ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни кенг ва чуқур ёритгани учун
- Ирина КОЧЕРГИНА,** "Туркистон" ва "Молодежь Узбекистана" газеталари бош муҳаррири ўринбосари —
Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ёритишга ва ёш авлоднинг миллий истиқлол гоёси руҳида тарбиялашга бағишланган мақолалари учун
- Забинисо МИРЗАҲАКИМОВА,** "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахрири катта муҳаррири —
- Дилором ИКРОМОВА,** "Тошкент оқшоми" газетаси маънавият-маърифат бўлими мудири
- Шухрат МИРФАЗОВ,** ЎзМАА "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи рассоми
- Арежан МУХАМЕДЖАНОВ,** "Садо" газетаси бош муҳаррири
- Норали ОЧИЛОВ,** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Республика ахбороти тахририяти бош муҳаррири
- Салима УМАРОВА,** "Дўстлик байроғи" газетаси бош муҳаррири ўринбосари (Навоий вилояти)
- Ақбар УСМОНОВ,** Фахрий журналист, "Овози тожик" газетасининг жамоатчи муҳбири (Самарқанд вилояти)
- Беҳзод ҲОЖИМАТОВ,** UZ Report.com Интернет портали муҳбири
- Усмон ҚУЧҚОРОВ,** "Маънавият" нашриёти бош муҳаррири



Анжуман

Кўчма семинарлар

Матбуот ва ОАВ ходимлари куни арафасида



Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси унга аъзо бўлган 20 та нодавлат телерадиостанция вакиллари иштирокида Бухоро, Самарқанд, Гулистон ва Тошкент шаҳрида кўчма семинар-конференциялар уюштирди.

Олийати, ижодий ходимлари учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар, шўъбаларга бўлиниб, ўзаро тажриба алмашдилар. Анжуман қатнашчилари СТВнинг "Мохият" кўрсатувида ОАВ куни олдидан ташкил этилган "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат ОАВнинг ўрни" мавзусидаги бевосита мулоқотда иштирок этишди ва томошабинларнинг кўлаб саволларига жавоб беришди. Анжуманнинг иккинчи иш кунинда меҳмонлар Самарқанднинг Шохизинда, Регистон, Гуримир ёдгорликларини, шунингдек, Имом ал-Бухорий мажмуасини зиёрат қилдилар.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман қатнашчилари Гулистон шаҳрига йўл олишди.

Баҳодир ХИДИРОВ

ГУЛИСТОН шаҳрида бўлиб ўтган семинар-йиғилиш куни Жамоатчилик эфирга узатиш компаниясининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу куни семинар иштирокчилари янгитдан ташкил этилган телекомпанияга телекурсув ва радиоэшиттиришлар тайёрлаш учун ўрнатилган замонавий техник асбоб-ускуналарни, телекомпаниянинг суратга олиш майдонини кўздан кечирдилар.

Семинар-йиғилишни бошқариб борган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов ўз сўзида мамлакатимизда нодавлат телекомпаниялари телетармоғи оёққа туриб шаклланишида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси беғараз ёрдам кўрсатиб келаётганини, унинг ёрқин намунасини Гулистон шаҳрида ташкил этилган Жамоатчилик эфирга узатиш телекомпанияси мисолида куриш мумкинлигини таъкидлаб ўтди ва Жамоатчилик эфирга узатиш телерадиокомпаниясида самарали фаолият юритаётган Ботир Ашурбоевни ҳамда режиссёр Эркин Ҳакимовни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг фахрий ёрликлари билан табриклади.

Семинар-йиғилишда сўз олган Шерзод Қудратхўжаев, Фирдавс

Шавкат НОСИРОВ

САМАРҚАНД шаҳрига келган меҳмонлар СТВ телекомпанияси фа-

Абдухолиқов мустақил телестанциялар мавқеини янада ошириш борасида сўз юритдилар.

Шундан сўнг семинар иштирокчиларига Жамоатчилик эфирга узатиш компанияси томонидан суратга олинган ижтимоий реклама роликлари ва "Разолат" фильми намойишидан сўнг меҳмонлар ЎзНТТ ҳамда Жамоатчилик эфирга узатиш телекомпанияси ҳамкорлигида "Замон билан ҳамнафас халқ билан бирга" шиори остида ўтказилган байрам тадбирига таклиф этилдилар.

Файзулло БОБОДУСТОВ

ТОШКЕНТ шаҳридаги "Dedeman" меҳмонхонасида 25 июнь куни якуновчи конференция ташкиллаштирилди. Конференцияда ОАВ учун бағишланган бир қанча грант лойиҳаларида иштирок этган журналистлар қатнашдилар ва бажарилган ишлар хусусида ҳисоботлар эшитилди. Сўзга чиққанлардан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов, Ўзбекистон Бош вазир матбуот котиби Ш. Қудратхўжаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты О. Усаров, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж. Ҳакимовлар журналистларни қасб байрамлари билан қутлаб, соҳада амалга оширилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар ҳақида тўхталдилар.

Тадбир давомида асосан нодавлат телевидение ва радио фаолияти, улар кўтараётган мавзулар, нечоғлик тезкор ва холис фаолият олиб борилаётганлигига урғу берилди. Электрон ОАВда учраётган камчиликлар таъкидлаб ўтилди. Жумладан, рўйхатдан ўтмаган видеомаҳсулотларнинг эфирга узатилиши, радиобошловчилар нутқида этикавий мезёрларнинг бузилиши, жойлардаги масъул муҳаррирлар фаолиятида жадалликка эҳтиёж мавжудлиги, эфирга берилаётган SMS хабарлари матнларининг миллий менталитетга зидлиги ва ҳоказо. Яна бир омил журналист тайёрламоқчи бўлган материалга қаҳрамон топа олиш маҳоратидир.

Тадбирнинг иккинчи қисмида журналистлар байрам олди мукофотландилар. 14 та ҳудудий телестанцияга сертификат топширилди.

Дурдона АЛИМОВА

Афсус

Очкўзлик

Хизмат сафари биланми ёки шахсий ишингиз биланми, йўлга отлансангиз ҳамма учун қудай бўлган автобус хизматида фойдаланасиз. Яхши кайфият билан бир олам режалар тузиб кетаётган пайтингизда автобус Жиззахнинг Фаллаорол туманида жойлашган ошона ёки чойхоналардан бирида тўхтади-ю, ҳаммаси расво бўлади...



Аммо... ҳамма гап ана шу аммода. Бозор иқтисодиётини рўқач қилиб ҳамда бировлар, асосан, йўловчилар ҳақидан уриб, худудда нарх-навонинг асосий кўтарилиб кетишига сабаб бўлаётган айрим нафси бузуқлар ҳам борки, улар ҳақида билганларимиз ва кўрганларимизни айтиб, тегишли муассасаларни огоҳлантирмасак, ўзимизнинг касбий бурчимизни бажармаган бўламиз.

Жиззахнинг Фаллаорол, Самарқанднинг Каттакўрғон, Пахтачи, Қашқадарёнинг Чирокчи, Фузур (Пачкамар), Деҳқонобод, Бухоронинг Вобкент, Хоразмнинг Ҳозарасп, Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл, Беруний, Қўнғирот туманларида жойлашган ва савдо қилаётган (хизмат кўрсатаётган эмас) ошона ва чойхона эгалари йўловчи автобусларнинг ҳайдовчилари билан

кўтарилиб кетишига сабаб бўлаётган айрим нафси бузуқлар ҳам борки, улар ҳақида билганларимиз ва кўрганларимизни айтиб, тегишли муассасаларни огоҳлантирмасак, ўзимизнинг касбий бурчимизни бажармаган бўламиз.

Жиззахнинг Фаллаорол, Самарқанднинг Каттакўрғон, Пахтачи, Қашқадарёнинг Чирокчи, Фузур (Пачкамар), Деҳқонобод, Бухоронинг Вобкент, Хоразмнинг Ҳозарасп, Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл, Беруний, Қўнғирот туманларида жойлашган ва савдо қилаётган (хизмат кўрсатаётган эмас) ошона ва чойхона эгалари йўловчи автобусларнинг ҳайдовчилари билан

тил бириктириб, сифатсиз таомларини пойтахтдагидан кўра 3-5 баробар қимматига пулламоқдалар. Бунинг эвазига эса автобус ҳайдовчилари учун "VIP" таомлар тайёрлашиб бегул беришмоқда. Боз устига ошона ва чойхоналарда касса аппаратлари ишлатилмаяпти, кунлик пул тушумларининг аниқ ҳисоб-китоби олиб борилмаяпти.

Изоҳ талаб қилганларга "Гўшт қиммат" қабилида жавоб берилади, ҳатто баъзида ҳақоратлашгача бориб етилмоқда.

Ушбу ҳолатларни назорат қилиш ва уларга чек қўйиш ваколатига эга бўлган солиқ хизмати, СЭС ходимлари эса "Менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида ишлашмоқдаки, натижада бир куннинг ўзида очкўзлик балоси дардига чалинган, юқорида номлари зикр қилинган худудлардаги йўл устида жойлашган ошона ва чойхона эгалари минглаб йўловчиларнинг додини беришмоқда, чўнтақларини қаппайтириб, ҳалол бўлмаган лўқмадан кекириб юришибди.

Нахотки, инсоф ва диёнатни унутётган бундай кимсаларга таъсир ўтказишнинг ҳеч илоҳи бўлмасми?

Неъмат МИРЗАЕВ,
журналист

Ташаббус

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" қошидаги "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ва "Меҳр нури" жамғармалари ўзаро ҳамкорликда республикамиз бўйлаб "Биз — бир жамоамиз!" номли ёшлар акциясини ўтказди.

Тадбирлар учун "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан фаол ёшлардан ҳамда ташкилотчилардан иборат махсус гуруҳлар тузилди. Ҳар бир гуруҳда 50 дан зиёд ташаббускор ёшлар, жамғармалар ходимлари ва таникли эстрада юлдузлари бор.

Марказ ходимлари бир ҳафтадан ошиқроқ муддатда жойлардаги фаол

"Биз — бир жамоамиз!" Республика бўйлаб шу номда ёшлар акцияси ўтказилди

ёшлар билан учрашиб, уларнинг таклифларини ўрганадилар, ўзаро фикр алмашадилар. Июль ойида "Келажак овози" кўрик танлови ғолиблари ҳамда ташаббускор ёшлар учун марказ томонидан ёзги ёшлар лагерини ташкил этиш режалаштирилган. Акцияларда фаол иштирок этган ёшларни ҳам бу лагерга жалб этиш кўзда тутилган.



Жойлардаги акциялар "Меҳр нури" жамғармаси хайрия тадбирлари билан бирга амалга оширилади. Маълумки, сўнгги йилларда "Меҳр нури" жамғарма-

мини кўрсатиб келмоқда. Эслатиб ўтамиз, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази 2006 йилнинг март ойидан буён ўз фаолиятини олиб бормоқда.

— Ҳозирги кунда марказ атрофида 500 га яқин ёшлар "Маданият ва санъат", "Ёшлар ахборот маркази (ОАВ)", "Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш", "Ахборот технологиялари", "Интеллектуал клублар ассоциацияси" ва "Таълим" каби йўналишларда янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Республикамиз бўйлаб "Келажак овози" ёшлар ташаббуслар марказининг жойлардаги бўлимлари тузилган. Марказ 5000 дан ортиқ аъзоларга эга.

Абдусалом СИДДИКОВ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз барча журналистларини 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами билан чин дилдан табриклайди.



Уларга соғлиқ, омонлик, оилавий тинчлик-хотиржамлик, ижодий кўтаринкилик тилайди.







Акциядорлик тижорат

«ТУРОН БАНК»

Кенгаши ва Бошқаруви



эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида
фидойилик билан меҳнат қилаётган
журналистларимизни касб байрамлари
билан қизғин қутлайди.



**Мустақил ватанимизда эл-юрт
фаровонлиги йўлида олиб борилаётган
ислоҳотлар бардавом бўлсин.**

**Ижодий маҳоратингизни
ўстиришида, кўзланган
олижаноб мақсадларингиз
амалга ошувида омад доимо
ёр бўлсин,
азиз журналистлар!**



«Турон банк» Сиз билан, Сиз учун!



Фаолият

Кўхна таълимнинг янги талаби

Бир йигитга қирк хунар ҳам оз. Доно халқимизнинг турмаъно бу ҳикмати Янгиер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежи фаолиятида ўзининг амалий ифодасини топган.

Сирдарё вилояти билан деярли тенгдош мазкур билим ва касб-хунар маскани ташкил қилинганидан бери минглаб нодир мутахассисларни тайёрлади ва мустақил ҳаётган йўлади. Бугунги кунда улар халқ хўжалигининг турли жабхаларида ўз касбини эъозлаб, мустақилликни мустаҳкамлашдек муқаддас ишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.


Зебо ИСРОИЛ қизи

Янгиер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежида инсон камолотининг икки қаноти бўлган таълим ва тарбия қўлиб олиб борилади. Ёшларга касб-хунар ўргатиш, уларга замонавий билим бериш, баркамол авлод қилиб ҳаётга тайёрлаш ўқув юрти педагогик жамоаси фаолияти ўзгичини ташкил этади.

Серкирра ва ижодий фаолият самараси сифатида ушбу таълим ва тарбия ўчоғи Мирзачўлни ўзлаштиришга салмоқли ҳисса қўшганди, замонамизнинг довуруғи доволардан ошган бир қанча етук мутахассис ва раҳбарлари айнан шу табаррук ва муқаддас масканда вояга етишди. Бу билан коллеж жамоаси ҳақли равишда фахрланади.

Халқимизда шундай ҳикмат бор: «Агар сени бир йил эслаб юришларини истасанг, сабзовот етиштир. Агарда сени ўн йил унутмасликларини хоҳласанг, кўчат эк, боғ ярат. Агарда сени юз йил ардоқлаб ва эъозлаб юришларини истасанг, ёшларни тарбияла, шогирдларни кўлайтир, уларга касб-хунар ўргатишдан ўзининг ҳам, жонингни ҳам аяма».

Янгиер, қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежи фаолиятига назар ташласак, мазкур ҳикматга амал қилинаётганига иқдор бўламиз. Бунда эса, албатта, ўз педагогик фаолиятининг 35 йилини мазкур ўқув юртини бошқаришга бағишлаган, ҳурматли устоз, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Расул ака Хожиевнинг хизматлари катта бўлди. 1997 йил кунда Расул аканинг аъналарини умидли шогирдларидан Абдушохид Абдуқодиров раҳбарлик фа-



олиятида давом эттириб келмоқда. Коллежнинг моҳир ва зукко раҳбарияти, малакали ҳамда тажрибали ижодкор педагогик жамоаси фаолиятининг яна бир илҳомбахш фазилати шунда кўринадими, улар ўз ишларига виждонан ёндашадилар, зиммаларидаги масъулиятли ва шарофли бурч моҳиятини яхши англайдилар. Даргоҳнинг халқ орасидаги баланд обрўси ҳам шу тўғриси.

Миллий истиқлол тўғрисидаги мутахассислар тайёрлаш масаласи долзарб аҳамият касб этди. Мустақил юртимизга таълимнинг янги шакл-тамойиллари кириб кела бошлади. Коллеж жамоаси ҳам замон билан ҳамнафас қадам ташлади.

Хозирги кунда коллежда маркетолог, молиячи-иқтисодчи, бухгалтер-иқтисодчи, хўжалик ташкилотлари ҳуқуқшуноси, компьютер тармоқлари ва офис хўжалиқлари хизмат кўрсатиш техникни, тикувчилик ишлаб чиқариш технологи, кўймас мулкни баҳолаш ва давлат рўйхатидадан ўтказиш ин-

пектори, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш автоматлаштирилган тизимлари оператори, йўл қурилиш машиналари техникни, йўловчи ва юк ташиш автотранспортлари техникни, газ таъминоти, сув таъминоти хўжалиқлари монтаж қилиш ва таъмирлаш техникни, умумқурилиш ишлари устаси, кичик архитектор каби 13 йўналиш бўйича замонавий мутахассислар тайёрланмоқда.

Коллежда 58 та ўқув хонаси, икки китабхона, физика лаборатория хонаси, 7 та лингафон хонаси, Жанубий Корея ускуналари билан жиҳозланган 3 та автомобиль қисмлари лабораторияси, 2 та газ таъминоти жиҳозлари лабораторияси, PENTIUM IV компьютерларига эга 2 та компьютер синфи мавжуд. Бундан ташқари коллежда замонавий тилда қурилган спорт мажмуаси, 34 минг китоб фондига эга бўлган АРМ (Ахборот ресур маркази) фаолият кўрсатади. Марказ интернетга уланган ва компьютер, сканер, факс, ксерокопия каби аппаратуралар билан жиҳозланган. Бу ерда 170 та электрон дарслик, 40 та кўргазмалли қўлланма жамланган.

Истиқлолдан кейин таълим соҳасида ҳам хорижий давлатлар билан яқин алоқалар ўрнатиш имкони пайдо бўлди. Ана шу имкониятдан коллеж жамоаси ҳам унумли фойдаланди. 1997 йил коллеж тарихида алоҳида ёрқин саҳифа бўлиб қолди.

Айнан шу йили коллежнинг аввалги фахрий раҳбари Расул ака Хожиев тайёрлаган «Янгиер шаҳри, Ховос ва Меҳнатобод туманлари учун тадбиркорлар тайёрлаш лойиҳаси» Халқаро Евроосиё фондининг *23400 АҚШ доллари миқдорида грантига сазовор бўлди. Грант асосида коллежнинг моддий-техника базаси бойитилди. Коллеж қошида «Бизнес мактаб» очилди. Бизнес-мактаб 1999 йили Халқаро сифат жамиятининг «Намунали сифат учун» олтин медалини қўлга киритди.

Ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик йиллар давомида ривожланиб келяпти. Коллежнинг 3 нафар ўқитувчиси Жанубий Корея Республикасида, 30 нафар ўқитувчи Осиё тараққиёти банки билан ҳамкорликда ташкил этилган малака ошириш курсларида, 4 нафар ўқитувчи Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти томонидан ташкил этилган малака ошириш курсларида иштирок этди.

Шунингдек, Германия халқ университети миллий жамияти билан ўзаро ҳамкорлик ҳам ўз самарасини бераяпти. Ёшлар «Электрогазпайвандчи», «Автомобилларнинг электр жиҳозларини таъмирлаш» ихтисосликлари бўйича 6 ойлик дастур асосида ўқимокдалар.

Германиянинг «Конрад Аденауэр» ҳамда «Заковат» фондлари билан алоқа ўрнатилиб, Боёвут туманида истиқомат қилаётган ёшлар 3 ойлик дастур асосида «Электрогаз пайвандчи» ва «Электрик» йўналишлари бўйича ўқитилмоқда.

Бугунги кунда халқаро ҳамкорликнинг янги қирралари очилмоқда. Германиянинг «Кредитанштальт ФЮР видерауфау (KFW)/Германия техникавий ҳамкорлик жамияти (GTZ)» билан ҳамкорликда қурилиш ва коммунал хўжалик йўналиши бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича иш олиб боришмоқда. Яқин кунлар ичида бу ҳамкорлик ҳам ўз самарасини бера бошлайди.

Янгиер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежи бундан буён ҳам ўз аъналарига содиқ, келажакка мўлжалланган улуғвор режаларини рўёбга чиқариш, мустақил Ўзбекистон манфаатларига хизмат қилишда бундан буён ҳам собит бўлиб қолади.

ЭЪЗОЗ

Радионинг тоши оғир дейишади. Бу ерга боғланиб қолган одам ундан асло узилгиси келмайди. «Москва кўз ёшларга ишонмайди» деган кино қаҳрамонларидан бири: «20 йилдан кейин фақат телевидение қолади», деган сўзларни тез-тез гапирарди. Кино суратга олинганига 20 йилдан ошди, аммо ОАВнинг бошқа турлари ҳамон мавжуд, радиого эҳтиёж эса кундан кунга ошиб бормоқда. Буни биргина Тошкентнинг ўзида 20 га яқин радиоканаллар мавжудлиги ҳам исботлаб турибди.

Шарҳловчи аёл

Бу йил Ўзбекистон радиоси ташкил қилинганига 80 йил тўлади. Шу давр мобайнида мазкур кутлуг даргоҳда юртимизнинг машҳур кишилари ишлаб кетишди. Уларнинг радиожурналистикага қўшган ҳиссалари борасида ҳали кўп гапирилади. Мен халқаро журналистикага ҳисса қўшган биринчи аёл сиёсий шарҳловчи бўлмиш Муяссар Саидхонова ҳақида сўз юритмоқчиман.

Хар ҳолда Муяссар Саидхоновани аввал халқаро воқеаларни ёритган аёл сиёсий шарҳловчи ўтганини билмайман. Тўғри, халқаро воқеаларни эркак шарҳловчилар ёзиб бериб, уни аёл дикторлар радио тўлқинлари орқали ўқиб бергандир, аммо том маънода шарҳ ёзиб, ўзи радиотўлқинлар орқали тингловчиларга етказган илк шарҳловчи Муяссар Саидхонова бўлса керак деб ўйлайман.

Кўпчилик ўз меҳнат фаолияти ҳақида гапирар экан, «Меҳнат дафтарчамада фақат битта ёзув бор», дейди. Муяссар Саидхоновани ҳам шу каби инсонлар қаторига қўрқмасдан киритиш мумкин. Университетни битириб келганидан то нафақага қадар Муяссар Саидхонова битта жойда — Ўзбекистон радиосида меҳнат қилди. Тўғри, меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар ўзгариб турди: оддий муҳаррир, муҳаррир, шарҳловчи, бўлим бошлиги каби ёзувлар пайдо бўлди, аммо иш жойи ўзгармай қолаверди. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Шогирдлари ҳақида ҳам фақат фохр билан гапириб мумкин. Радиода ишлаган ҳар бир журналист ўзини М. Саидхонованинг шогирди, дейди. Шу ўринда Турсун Қоратоев, Қобилбек Каримбеков, Фафур Жамолов, Собир Турдиев, Абдували Сойибназаров, Собир Шуқуров, Иззат Эшбоев ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Муяссар опа аёл журналистлардан сиёсий шарҳловчи тайёрлашга анча ҳаракат қилди. Аммо кўпчилик устознинг қаттиққўллик билан иш юритишига чидай олмади. Улар мендан хафа бўлишмасин, аммо ҳақиқатни очик айтиш керак: ҳозирги кунда халқаро во-

қеаларни ёритувчи аёл журналистларни учратиш мумкин, лекин сиёсий шарҳловчи даражасидаги аёллар жуда ҳам кам.

«Ўзбекистон» радиоканалида Фарид Тожибоева, Шоҳида Абдулломова ва Гулбахор Давировалар Муяссар Саидхонова ва каби сиёсий шарҳловчи бўлишга ҳаракат қилишмоқда. Бу борада улар устозларининг маслаҳатлари бот-бот мурожаат қилиб туришибди.

Муяссар Саидхонованинг фазилатлари ҳақида кўп гапириб мумкин. Айрим ҳамкасбларига ўхшаб, ўзи ҳақида мақола ёзиб, машҳур журналистлар номидан газеталарда эълон қилдирмади. Бир журналист қилиши керак бўлган ишни бажараётганидан фахрланиб меҳнат қилди. Бир сўз билан айтганда, радио учун жонини жабборга бериб ишлади. Шогирдларига ҳаддан зиёд талабчанлик қилгани боис ҳам кимгадир ёқди, кимгадир ёқмади. Шахсан менга Муяссар опанинг талабчанлиги, қаттиққўллик бўлмаганида, шу даражага етмаган бўлардим, деб ўйлаб қоламан. Ўтган йили Муяссар опанинг шогирдларидан бири Фармуда Муродова устози ҳақида гапирар экан: «Муяссар опа нафақат журналистликни, балки рўзгор тутушни ҳам ўргатди», деган самимий сўзларни билдирди. У радиода ишлаётган барча аёлларнинг дил изҳорини билдирган эди.

Муяссар опа — бахтли инсон. Турмуш ўртоқлари Тохир Мирҳодиев ҳам республикамизнинг етук журналистларидан бири. Уларнинг тўрт фарзандларидан икки нафари ота-она касбини давом эттиришмоқда. Иккаласининг ҳам қалами ўткир. Қизлари Дилдора «Машъал» радиоканалида сиёсий шарҳловчилик лавозимда ишлади.

Муяссар Саидхонова ҳақида кўп ва кўп ёзиш мумкин. 70, 80, 90, 100 ёшларини нишонлаётганларида, албат, самимий мақолалар ёзилади, деб умид қиламан.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ,
«Олтин қалам» I Миллий мукофоти совриндори

Акциядорлик тижорат ПАХТА БАНК

Юртимиз ғаллакорлари ва дехқонлари диққатига!

Акциядорлик Тижорат «Пахта Банк»

Ғалла йигими мавсумида қатнашаётган барча меҳнаткашлардан 2007 йилнинг 20 августига қадар 6 ой муддатга очилиб, йиллик 26 фоиз ҳисобида даромад тўланадиган «Ҳосил-2007» жамғарма омонатига маблағлар қабул қилишни давом эттиради.

Сиз «Ҳосил-2007» жамғарма омонатига маблағларингизни «Пахта Банк»нинг исталган филиалига қўйишингиз ҳамда улар бўйича фоизли даромадларни ойма-ой олиб боришингиз мумкин. Шу билан бирга «Пахта Банк» республикамизда истиқомат қилаётган барча юртдошларимизга қулай ва манфаатли бўлган «Сармоя-1» жамғарма омонати ҳамда «Даромад» муддатли омонат турларини ҳам таклиф этади.

Ушбу омонат турларига маблағлар сақлаш муддати тугаган омонатларни қайта расмийлаштириш орқали ҳамда нақд пулда 1 ойдан 1 йил муддатгача сақлаш шарти билан қабул қилиниб, йиллик 24 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Омонатлар бўйича фоизли даромадларни ойма-ой олиб боришингиз мумкин.

Омонатга қўйилган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.



Омонатга қўйган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз солиққа тортилмайди.

Омонатингизни кафолатли асраймиз ва кўпайтирамиз!
«Пахта Банк»нинг исталган филиалига мурожаат қилинг ва даромадингизни кўпайтиринг!

«Пахта Банк» муваффақиятингиз калитидир!

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «ЛОЧИН-Д» очик турдаги акциядорлик жамияти юртимиздаги матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий табриклайди.

Барча-барганимизга мустаҳкам соғлиқ, ағло кайфият, ҳақиқий илҳом ва шахсий ҳаётимизда бахту омадлар ёр бўлиши, азин журналистлар!



Андижон вилояти «Қўрғонтепадон»

акциядорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистонимиз равнақи, буюк келажагимизга муносиб авлодни камол топтириш йўлида жонкуярлик кўрсатаётган ҳалол ва ҳақгўй, заҳматкаш журналистларни касб байрамлари билан дилдан қутлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил бошида бўлиб ўтган мажлисида Республикаимиз раҳбари сўзлаган маърузасида 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари хусусида тўхталар экан, иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгиланишига боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаганди.

Бу муштарак вазифа «Қўрғонтепадон маҳсулотлари» АЖ фаолиятининг дастурул амалига айланганлиги ҳақида янглишмаган бўламиз. Корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси ўртасида тузилган меҳнат жамоаси шартнома асосида эришилаётган кўшимча соф фойдадан тежаб-тергаб фойдаланиш ва бошқа ички имкониятларни ишга солиш ҳисобига ўтган асрнинг 90 йиллари бошида фойдаланишга топширилган ун комбинатини янги технологиялар билан қайта таъмирлаш режалаштирилган.

Шунга кўра юқори ташкилотларимиз вилоят ва туман ҳокимларининг бевоҳита ёрдамида яқиндан ҳис этгани ҳолда шу куларда МДХ давлатларидан Россия Федерацияси ҳамда Украина Республикалари билан ўз маблағимиз ҳисобига халқаро андозаларга

жавоб берадиган элеватор асбоб-ускуналар ва жиҳозларини олиб келиб ўрнатиш муамоларини ҳал этиш чоратadbирларлари кўрилмоқда.

Шунинг билан бирга АЖ меҳнат жамоасида бу йил етиштирилган дон маҳсулотларини нест-нобудсиз сифат-

кил этишга комбинатимиз бўйича 575 нафар ишчи ва муҳандис техник ходимлар жалб этилган. Мавжуд фермер хўжаликларидан дон қабул қилиш ишлари 3 сменада, кечаю кундуз тўхтовсиз амалга оширишга жиддий эътибор қаратилди.

Мавсумга пухта тайёргарлик кўриш билан бир қаторда корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 январдаги «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори юзасидан тегиш-

ман меҳнаткашларининг 7-синфигача бўлган мактаб ёшидаги фарзандларини оромгоҳларда ёзги таътиллари мириқиб ўтказишлари учун 3 млн. 136 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Шунинг билан бирга болалар спортини ривожлантириш фондига 9 млн. сўм ўтказиб берилди. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, юқоридаги каби ҳомийлик ва бошқа сарф-харажатларнинг бир қисми акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган печенье, макарон ва 9 хил кўринишдаги салқин ичимликлар ишлаб чиқариш цехларидан олинган кўшимча даромадлари ҳисобига амалга оширилди. Яна шунинг эътиборга лойиқки, номлари қайд этилган кўшимча ишлаб чиқариш цехларини барпо этилиши боис, бир вақтнинг ўзида 36 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Шундай экан, шубҳа йўқки, ҳамкорликнинг порлоқ уфқлари ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш билан ишчи ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишда ўзининг ижобий натижаси яққол кўзга ташланмоқда. Бу эса республикаимиз Мустақиллигининг шонли 16 йиллигига меҳнат тўхфамиз бўлади.

Раҳимжон ГУЛМАМАТОВ
Қўрғонтепадон АЖ касаба уюшмаси кўмитасини раиси

Ҳамкорликнинг порлоқ уфқлари

ли қабул қилиш ва уни қайта ишлаш, халқимизни аъло навли ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлашга ҳар қачонгидан ҳам жиддий эътибор қаратилган.

Бу йилги қирмизи дон қабул қилиш мавсумида ёнилги ва транспорт харажатларидан тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида кўшни туманларда 3 та, комбинат қошида 1 та, жами 4 та шахобчаларда ёнгинга қарши курашиш бўйича тегишли ишлар техник жиҳатдан талаб даражасида йўлга қўйилган.

Корхонамиз бўйича бу йилги мавсумда жами 66551 тонна дон маҳсулотлари қабул қилинади. Шундан Қўрғонтепа туманидан — 31356 тонна, Жалақудук туманидан — 25930 тонна, Хўжабод туманидан — 9215 тонна юқори навли галла етказиб берилади.

Бу ишларни уюшқоқлик билан таш-

Акциядорлик жамияти ва касаба уюшмаси кўмитаси ҳамкорликда ташкилий ишлар бўйича алоҳида тадбирлар ишлаб чиқилган. Ишчи ва хизматчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 52 млн 160 минг сўмлик пул маблағларини сарфлаш кўзда тутилган. Жумладан, ишчиларни биргина сут-қатик маҳсулотлари билан таъминлашнинг ўзига 10 млн 500 минг сўм ажратилган. Бундан ташқари ишчиларга имтиёзли равишда уч маҳал иссиқ овқат, бепул махсус кийим-бошлар бериш йўлга қўйилган. Корхона ўраминидаги миллий таомлар тайёрлаш ошонаси, нонвойхона, маънавият ва маърифат хонаси, кийим алмаштириш ва ишдан сўнг ювиниш хоналари, техника хавфсизлиги бўйича машғулотлар ўтказиш ва дам олиш хоналари ишчи-хизматчилар ихтиёрида.

ли дастур ишлаб чиққан.

Ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 93 млн 260 минг сўм пул маблағи ажратиб режалаштирилган. Шу кунларгача режа бўйича ажратилган пул маблағининг 55 фоиздан зиёди сарфланди.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да Халқаро хотин қизлар куни 8-март, Наврўз байрамлари муносабати билан кексаларни йўқлаш, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, болалар спортини ривожлантириш, Қўрғонтепа мурувват уйида тарбияланаётган боқувчисини йўқотган қарияларга моддий ёрдам кўрсатиш диққат марказимизда. Шу мақсадга 6 млн 902 минг сўмлик пул маблағи сарфланиб, совға салом берилди. Ишчи ва хизматчиларни соғломлаштириш учун 1 млн 300 минг сўмга сихатгоҳларга йўлланмалар тақдим этилди. Ту-

Бухоро вилояти Вобкент тумани «Пахта банк» бўлими

оммавий ахборот
воситалари
ходимларини касб
байрами билан
чин юракдан
муборакбод этади.

Байрамингиз
муборак, азиз
журналистлар!

ЭХТИРОМ

Қирқ йиллик директор

Жўрабой Ашировнинг меҳнат дафтарчасида фақат биттагина манзил «Уртачирчиқ туман босма-хонаси» ёзилган. У ўрта мактабни тугатиб, бундан 50 йил муқаддам шу корхонада ҳарф терувчиға шогирд бўлиб ишга кирганди. Ҳаракатчан, бир ишни пухта бажарувчи ёш йигитни вақт ўтиши билан чоп этувчи, цех устаси этиб ўтказишди. У ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, полиграфия технология мутахассислигига эга бўлди. Ж. Аширов ўз меҳнат фаолиятини бошлаган корхонага 1967 йилдан бешлаб қарийб 40 йил директорлик қилляпти.

Илгарилари туман матбаачисининг меҳнати қанчалик оғир бўлганлигини бу ишдан четда турганлар тасаввур ҳам қилишга олмаган. Турли даражадаги «юшқик» раҳбарлар билан зиддиятли шароитда ёзилган журналистларнинг материалдаги ҳар бир ҳарф учун кўз нурини аямай қўлинг меҳнат натижасида ҳосил бўлган газета сонлари саҳифа-саҳифа эрта тонгтача станокларнинг «тарақа-турқ» садолари остида чоп этиларди.

Ўз касбига садоқат ҳисси



билан яшаб, меҳнат қилган Жўрабой ака доим изланиб, янгиликка интилди. Мустақиллик йилларида Ж. Ашировнинг саёй-ҳаракатлари билан корхонага янги, замонавий асбоб-ускуналар, компьютерлар келтирилиб, полиграфия базаси мустаҳкамланди. Бу ерда Тошкент вилоятидаги Уртачирчиқ, Пскент, Оқўрғон, Бўжа, Бекқобд каби 8-9 та туман, шаҳар газеталари босилган гайтлар ҳам бўлди. Бундан ташқари 15 турдаги босма маҳсулотларни полиграфия ижроси, сифати яхшиланди.

Босмахона жамоасининг иш тажрибаси нафақат вилоятда, балки республика миқ-

ёсида ҳам юқори баҳоланди. Қўйсангандек, туман газеталари маънавият қарвонларидир. Ҳақиқатан ҳам, миллий гоа тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш борасида, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, йигит-қизлар онгига миллий қадриятларимиз, аънава ва урф-одатларимизга муҳаббат ва садоқат туйғуларини синдириш борасида туман газеталарининг ўрни бекиёс.

Шундай ҳолда ҳар бир газета сонини тезроқ муштарийларга етказишдек долзарб вазифани амалга ошириш йўлида Жўрабой Аширов куч-ғайратини, вақтинчи аямай меҳнат қилди.

Жўрабой Аширов оиласи «Янги турмуш» қишлоғида ибратли ҳисобланади. У умр йўлдоши Зухра опа билан бирга 4 ўғил, 5 қизни тарбиялаб, воғна етказишди. Уларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда оилали, уйли-жойли, ҳаётда ўз ўринларини топишган. 27 неварга, 2 чевара алоҳида эътибор, меҳр билан тарбияланмоқда.

Жўрабой аканинг қизи Машураҳон, набираси Жавоҳир анчадан бери матбаача бўлиб ишляпти. Шу корхонада ишни шогирдликдан бошлаган Баҳодир Абдазов, Ботир Бегматовлар ҳам узоқ йиллар давомид сидқидилдан меҳнат қилиб, устозлари сингари севган касбига садоқат намунасини кўрсатишгати.

— Жўрабой Аширов, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Файзулла ака Муғалов, — самимийлик, ҳушёрлик ва бошқа инсонийлик фазилатлари билан ҳамда ўз касбига садоқатли мутахассис, адолатли раҳбар, маънавиятимиз фидойиси сифатида кексаоғилларнинг хурматини қозонган. У жамғармамиз ишларида ҳам фаол.

Матбаа соҳасидаги узоқ йиллик самарали меҳнати, туманларда матбуотни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Жўрабой Аширов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан мукофотланган.

М. ОТАҚЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Йўғ-э!

Рекламасиям бор бўлсин!

— Вой, оёқларим бирам зиркираб оғрияптики...
— Опа, оёғингиз оғриси, вой-войлаб юрмай «Диклоран плюс», «Фастум гел», «Цинепар актив»лардан суринг, дарров оғриқдан қутуласиз.
— Шифокоримсиз, синглим?
— Йўғ-а, котибаман. Ҳар кун телевизорда шу дориларни реклама қилишяпти-ю. Ҳозир шифокорга бори вақт кетказадиган замон эмас.

Кулогимга чалинган бу қисқа суҳбат рекламанинг инсонлар орасида қанчалар оммалашгани ва таъсир ўтказётганига яна бир қарра ишонтирди.


Телевизорни кўяман. Кино ва кўрсатувлар ораллигида берилаётган рекламанинг 80 фоизини доридорлар монлар эгаллаган. Гўё бирор эпидемия тарқалган-у, бутун диққат-эътибор ана шу касалликни бартараф этишга қаратилгандек. Баҳордан бошлаб кузгача давом этган печенье, салқин ичимликлар рекламаси кунлар совиши билан ўрнини шамоллаш ва томоқ оғриғига қарши антибиотиклар тарғиботиға бўшапти беради.

Рекламанинг таъсирчан кучи исботланган. Бу бизнес масалалариға ривож беради. Аммо доридорларнинг ҳаддан ошиқ рекламаси инсонларни тиббий маданиятни пасайтириб ва соғлиғига нисбатан белъэтибор қилиб, осон усулни танлашга ундаб қўймайяптими? Масалан, жигари хаста бир танишим шамоллаб қолганди. Касалхонада даволанавериб, зада бўлганиданми, шифокорға учрағиси келмади. Реклама қилинаётган турли дориларни ичиб, ўзича даволанди. Охириқибат яна жигари оғриб қолиб, касалхонаға тушди.

Рекламаға машхур кишиларни олиб чиқиш урф бўлди. Доридорлар рекламасига ҳам бу кириб келди. Фақат актёр ёки кўшқич эмас, мутахассис: «Мен фалон йилдан бери тиббиёт соҳасида ишлайман», деб экранда куринадиган бўлди. Бу эса оммани янада ишонтиряпти.

«Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида бир қанча белгилар қаторида бурттириб юборилган реклама ҳам нотўғри реклама деб ҳисобланиши ва бундай реклама тақиқланиши айтилган. Ҳозирги рекламаларда эса айнан шу жиҳат устувор. Қайта-қайта қўйилганвергандан боғча боласи ҳам реклама матнини ёдлаб олган. Умуман, уларға рекламадаги дориларни қабул қилиш вақти, бир-бириға тўғри келиш-келмаслигини ўргатиб қўйсакин. Қарабсизки, жажжи дўхтирлар тайёрда.

Дилфуза ЖАРБЕКОВА



Саломатлик

Соғлиқ ўз қаддини биладиганлар учун бебаҳо бойлик. Одамзод ниманики хор қилса, айнан ўша нарсага зор бўлади. Баъзан ҳаддан зиёд бемарид овқатланишлар, спиртли ичимлик истеъмол қилиш, тамаки чекиш, бўлар-бўлмас ишларга аралашиб асаббўзарлик ҳолатлари, албатта, вақт ўтган сайин юзага келаётган касаллик, беморлик пойдеворини мустаҳкамлаб бораверади. Ҳаракатдаги организм гоҳ билдириб, гоҳ билдирмай яшрин равишда касалликни ривожлантириш имкониятига эга.

Танага "яхшигина" ўрнашиб олган касаллик қўйилмаганда кишини безовта қилгандан сўнг ҳам, шифокорга вақтида учрашмаймиз. Иш, рўзгор ташвиши, режали тadbирларни танадаги оғриқдан устун кўрамаиз баъзан.

Ҳозирги пайтда касаллик турларининг кўпайиб бораётганини дунё тиббиёт тизими ходимларини ташвишга солмоқда. Инчунун, жуда кенг тарқалган қандли диабет касаллиги ҳам.

Қандли диабет, ҳақиқатан ҳам, кенг тарқалган касаллик. Дунё миқёсида ушбу касалликка чалинган беморлар сони 100 миллион кишидан ортаганлигини статистик маълумотлар исботлаб турибди. Ачинарлиси шундаки, беморлар сони йилга 5-7 фоизга ўсиб бормоқда.

Авалло, қандли диабет нима? Бу инсон организмда моддалар алмасишуви касаллиги бўлиб, қон таркибидagi шакар (глюкоза)нинг доимий равишда ортиб боришидир. Қандли диабет келиб чиқиш сабаблари турлича бўлган касалликлар гуруҳи унинг

Қандли диабет

ёҳуд унинг асоратлари хусусида

таркибига бирлашишидир. Шу ўринда айтиб ўтмоқ жоизки, ген ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу касаллик ирсий белгилар орқали наслдан наслга ўтиши тиббиётда тасдиғини топган.

Ҳақиқатан ҳам, қандли диабет касаллиги йилдан йилга ошиб бормоқда. Вилоятда 2005 йилда беморларнинг умумий сони 6155 тани ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб 6975 та; янги аниқланиб диспансер назоратига олинган қандли диабет 2005 йилда 857 тани, 2006 йилга келиб эса 1293 та ёки қалқонсимон без — бўқоқ касаллиги 2005 йилда 90587 тани, 2006 йилда бу рақам 102599 тага етди.

Вилоятдаги 52 нафар врач эндокринологларга 43 та иш кабинети жорий этилган бўлиб, шундан 9 таси виллоят эндокринология диспансерида, 11 таси Бухоро шаҳрида, қолган 23 таси 11 та туманларда ташкил этилиб, 14 та болалар эндокринологлари фаолият кўрсатмоқда. Утган 2006 йил давомида 435 минг 400 нафар касал врачлар томонидан қўрилган бўлиб, шундан 135 минг 527 таси болалар, 229 минг 873 нафар катта ёшдагилар. 2942 бемор эса уйига бо-



риб қўрилди.

Вилоят эндокринология диспансерида 2006 йилда даволанган беморлар сони 4207 нафар бўлиб, шундан қандли диабет 2752 та; қалқонсимон без, бўқоқ касаллигига чалинган 1000 та ва 700 та

бошқа эндокрин касаллигига чалинган беморлардир.

Бу кўрkitиш эмас, албатта. Қандли диабет бир умрлик касаллик бўлиб уни бутун ҳаёт давомида даволашга тўғри келади. Қандли диабет касаллигининг асосан иккита тури мавжуд бўлиб, 1-тур — бу инсулинга қарам; 2-тур — инсулинга қарам бўлмаган қандли диабетдир.

Албатта, касалликка чалинган ҳар бир бемор доимо ҳавотир билан яшайди. Тушқунликка тушмай, тетик руҳ билан ҳаётга қараш, ёндашиш, шифокорлар маслаҳатига риоя қилиш уйлайманки, ўзининг ижобий самарасини беради.

Ҳаётий тасодиф ёки нимадандир ранкиш оқибатида руҳи тушган соғлом киши ҳақиқий беморга айланиши ҳеч гапмас. Шундай экан, беморлар ҳам имконият ва вақт борида киши

ўз қалбида ишонч туйғусини уйғота олма, юракдаги ана шу ишонч орқали ўзига ҳам, уни даволаётган шифокорга ҳам ниҳоятда осон кечади. Ахир айтишди-ку, табобатнинг дарди кўп, дармони ҳам оз эмас деб...

Табиики, қонга шакар озикланиш йўли билан келади. Истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари оқсил, ёғ, углеводлардан таркиб топган бўлиб, оқсил тана учун қурилиш материали ҳисобланади. Ёғ ва углеводлар куч-қувват манбаидир.

Шу ерда яна бир изоҳ: Глюкозанинг асосий манбаи — углеводлар. Углеводлар ичакдан қонга глюкоза тарзида сўрилади. Углеводлар (глюкоза) самарали қайта ишланиб, қувватга айланиши учун инсулин ҳосил бўлиши зарур...

Инсулин — юқори даражада фаол кимёвий модда, гармон бўлиб, у ошқозон ости безининг алоҳида хужайраларида ишлаб чиқилади. Тўпланиб оролчаларга гуруҳлашади. Мабодо танада инсулин етишмас, қандли диабет юзага келади ва ривожланади.

Ушбу касалликка чалинганлар чанқаш, оғизнинг қуриб қолиши, катта миқдорда сийдик ажралиши, озиб кетиш ва ҳолсизлик каби аломатларидан сезишлари мумкин. Бундай пайтда зудлик билан шифокорга мурожаат қилишлари шарт.

Ўтиб кетар, эрта-индин учрашарман, деган ҳаёллар билар бепарво бўлмаслик керак. Муҳим, вақтни бой бермаслик зарур. Ана шундагина касаллик танадан тезроқ чиқиб кетади...


Манзура ҒАНИЕВА,
Бухоро виллоят эндокринология диспансери поликлиникаси мудираси, олий тоифали врач

Сурхондарё виллояти
Денов туманидаги Ғуза
уруғчилиги хўжалиги жамоаси

озод юртимиз журналистларини
касб байрамлари билан
табриклайди!



Жонажон Ўзбекистонимиз добруғини
ёйишдек эзгу фаолиятингизда
муваффақият ёр бўлсин,
азиз журналистлар!



O'ZSANOATQURILISHBANK

ЖАМОАСИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ БАРЧА
ЖУРНАЛИСТЛАРИНИ КАСБ БАЙРАМИ
БИЛАН ҚИЗГИН ҚУТЛАЙДИ!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Саноатқурилишбанки Сизларга янги юқори даромадли "Шодиёна" деб номланувчи муддатли омонат турига пул маблағларингизни қўйишни таклиф этади.

"Шодиёна" муддатли омонатига энг ками билан 100 минг сўм маблағ қўйилади.

Омонатнинг жами сақлаш муддати 3 ой бўлиб, йиллик 24 фоиз ҳисобидан даромад тўланади.

Омонатларингизни Ўзсаноатқурилишбанкнинг барча филиалларида жойлаштиришингиз мумкин.

Банк омонат шартларининг тўлиқ бажарилишини ва Сизнинг биринчи талабингиз асосида пул маблағларингиз қайтариб берилишини кафолатлайди.


Ўзсаноатқурилишбанкда сақланадиган аҳоли омонатлари "Фуқароларнинг банклардаги омонатларни кафолатлаш фонди" томонидан кафолатланган.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали билиб олишингиз мумкин:

(998 71) 113-15-15

www.uzpsb.uz






«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

ЮРТИМИЗ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ КАСБ БАЙРАМЛАРИ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ!



Ё. фалак!

Калтакни энди етим емайди!

Мамлакатимиздаги барча экин майдонларининг 2006 йилнинг охири ва ушбу йил бошида ёлпасига фермер хўжаликлари тасарруфига ўтганлиги иқтисодий ислохотларнинг энг баланд чўққиси бўлди: ўзи учун ишлаган одам чарчамагани сингари ҳеч кимнинг ўз зарарига юрмаслиги ҳам қадимдан қолган бор ҳақиқатдир.

Иброҳим ЮСУПОВ,
Денов туманидаги "Аловиддин" фермер хўжалигининг бошлиғи

Мамлакатимиз раҳбарияти, ваколатли идора ва маҳкамалар бу тадбирга узоқ ва пухта тайёргарлик кўрганликлари, чунончи, халқимиз манфаатлари ва ҳуқуқларини кафолатлайдиган қонунлар, меъриий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ҳам газета-телевизорлардан ҳаммаимизга аён. Аммо қонунлар қанчалик халқларвар ва адолатли бўлмасин, уларнинг ижросини таъминлаш, энг муҳими, фаолият чоғи унга нечоғлик амал қилишда ҳам гап кўп экан. Баъзан иш шунга бориб етадики, бир қўшиқда "Гўрўгли сulton бир ён, Тўра Сулаймон бир ён" дейилганидек, қонун бир ён, унинг ижросилари эса бошқа бир... ён бўлиб қолар экан — бу муаммоларни бошдан кечирган одам сифатида ушбу мулоҳаза-таассиротларни айтишга журъат этмоқдаман.

Гап шунданки, республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Денов туманида ҳам ширкат хўжаликлари ерини танлов асосида талабгорларга бериш ҳаракатлари бошланган, ўзим истикомат қилиб турган С. Отабоев номидаги ширкат хўжалиги тасарруфидоғи тендерга қўйилган 1-48 лойиҳага талабгор бўлдим.

Талабгорлар беш киши экан. Танлов давомида ҳаммамиз ҳам юқори балл тўпладик, чунки ҳеч ким анойи эмас. Аммо энг юқори 79,9 бални мен олдим — биродарлар "қуллук бўлсин, қуллук бўлсин!" қилишди. Танлов комиссияси шу муносабат билан 6 январь кuni баённома тузиб, уни имзолади. Аммо негадир бу ҳужжат ҳадеганда туман ҳокимлигига тақдим этилавермади. Қолган ишга қор ёғади деганлари тўғри экан — орадан ўн бир кун ўтиб, ана ўша қор ёғди: 17 январь кuni туман прокуратураси тақдимнома берди ва орадан бир кунни ўтказиб, танлов комиссияси менинг голиблигим ҳақидаги 12-баённомани бекор қилди. "Нега?" деган саволларимнинг бирортасига амалдаги қонунларга мос келадиган тайинли жавоб ололмадим. Ҳатто Гўрўглидай сulton ҳам ўзингдан қолма деган экан — оқ-қоранинг фарқига борадиган гапга етар одамларнинг маслаҳати ва даъвати билан Аллоҳга таваккал қилиб, вилоят хўжалик



судига ариза бердим.

Тўғри, оддий фермернинг туман ҳокимлигини, тендер комиссиясини судга бериши қулқоққа эриш туюлади, аммо ҳар кимнинг жони ўзига ширин бўлганда кейин илож қанча?

Судда туман ҳокимлигининг ҳам, туман прокуратураси ва тендер комиссиясининг ҳам устидаги кўрпа очиб ташланди.

Гапни эшитинг: "...Юсупов Иброҳим 1-48 лойиҳа танлов голибли деб топилган. Бу ҳақда... 2007 йил 6 январь кuni 12-сонли баённома тузилган. Бирок... ҳужжатлар туман ҳокимига юборилмаган. Натижада... низомнинг 37-моддаси талаблари бузилган".

"...Денов туман прокуратурасининг 2007 йил 17 январь кундаги № 11-1-07-сонли тақдимномасини асос қилиб, 2007 йил 19 январь кундаги 15-сонли баённомани тузган тақдимномани кўриб чиқиб, муҳокама қилмасдан... И. Юсуповни танловдан четлатишга қарор қилган. Комиссия томонидан И. Юсуповнинг танловга сохта маълумотлар тақдим этганлиги аниқланмаган. Денов туман прокуратурасининг тақдимномасида ҳам И. Юсупов танловга тақдим этган ҳужжатларнинг сохталлиги аниқ далил ва фактлар билан асослаб берилмаган. Факатгина тракторларнинг техник паспортлари асл нусхаларида техник жиҳатдан созлиги ҳақидаги белги "Давтехназорат" Денов туман бўлими томонидан қўйилмаган. Бу ҳолат 2 техник воситаси формуляри (дубликати) нусхалари қалбаки эканлигидан далолат беради, деб гумон қилинган, бироқ бу гумон текшириб кўрилмаган. Шунингдек, И. Юсуповга нисбатан ҳужжатларни қалбакилаштирилганлиги юзасидан жиноят иши кўзгатилмаган... И. Юсуповнинг айбланганлиги тўғрисида суднинг қонуний қучга кирган ҳукми мавжуд эмас, шунингдек, ушбу ҳужжатларни

қалбаки деб топиш тўғрисида суднинг қонуний қучга кирган қарори ёки ажрими мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси 1-қисмида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди деб белгиланган.

2007 йил 12 февраль кuni бўлиб ўтган суд мажлисида сўралган Денов туман "Давтехназорат" инспекцияси бошлиғи З. Хидиров даъвогарга тегишли бўлган МТЗ-80Х русумли, 1986 йилда ишлаб чиқарилган... трактор 2006 йил 5 август кuni рўйхатга олинб, SD 00618-сонли формуляр (дубликат) берилганлиги, 1982 йилда ишлаб чиқарилган трактор эса 2006 йил 6 октябрь кuni рўйхатга олинб, SD 00640-сонли формуляр (дубликат) берилганлиги И. Юсупов 2006 йил 13 декабрь кuni тракторларнинг созлиги тўғрисида техник белги қўйиб беришни сўраб, муружаат қилганлиги, тракторларнинг созлиги ва рақамларнинг мослиги текшириб кўрилиб, ... формуляр дубликатнинг нота-риус томонидан тасдиқланган нухсага ҳамда тракторнинг техник талони-га... белги қўйилганлигини баён этиб, бу ҳолатларнинг тасдиқловчи далил сифатида техника воситаларини рўйхатга олиш китобини судга тақдим этди. Бундан кўринадики, И. Юсупов танловда иштирок этиш учун сохта ҳужжат тақдим этмаган".

"Денов тумани "С. Отабоев" ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссияси Денов туман прокуратурасининг тақдимномасини муҳокама қилмасдан, ундаги кўрсатмаларни бажарган ва хатоликка йўл қўйган".

Мен ҳайрон қоламан: шу муносабат билан суд аниқлаган ҳолатларни туман прокурори Х. Абдувоҳидов, комиссия раиси И. Рамазонов, қолаверса, туман ҳокимлиги билмасмиди! Менинг назаримда, улар билган нарсаларни ҳам кўра-била билмасликка олдидлар ва шу тарикка ҳақиқатнинг белини қайиштириб юбордилар.

Энди гапнинг бу ёғини эшитинг: "Жавобгар Денов туман ҳокимияти... қайта ташкил этиш комиссиясининг 2007 йил 7 февраль кундаги гайриқонуний равишда тузилган 31-сон баённомасига асосан 2007 йил 7 февраль кuni 744-сонли гайриқонуний

қарорни қабул қилган. Чунки қарорни қабул қилиш учун асос бўлган ҳужжатлар қонун талабларига зид равишда тузилган. Бунинг оқибатида даъвогар "Аловиддин" фермер хўжалигининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари жиддий равишда бузилган".

Булар биргина 1-48 лойиҳа танлови жараёнида қонун бузилишига йўл қўйилган ҳолатларнинг айримлари, холос. Бошқа лойиҳалар танловда содир бўлган бундай "ажойибот"ларни ўзингиз тусмоллаб олаверинг.

Ана энди суд қарорини эшитинг: "1. Даъвогар Денов туманидаги "Аловиддин" фермер хўжалигининг даъвоси ва қўшимча даъвоси қаноатлантирилсин.

2. Денов туман ҳокимиятининг 744-қарори... ҳақиқий эмас деб топилсин.

3. ... қайта ташкил этиш комиссиясининг 2007 йил 6 январдаги 12-баённомаси ҳақиқий деб топилсин. Жавобгар Денов ҳокимияти... 1-48 лойиҳа бўйича ўтказилган танловда голиб деб топилган "Аловиддин" фермер хўжалигининг ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириш, ... комиссиясининг 2007 йил 6 январдаги 12-сонли баённомасини тасдиқлаш тўғрисида Денов туман ҳокимиятининг қарорини чиқариш, даъвогар "Аловиддин" фермер хўжалигига... ер майдонини ажратиб бериш, ... ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги ер-ижара шартномасини тузиш, ... ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириб бериш мажбурияти юксатилсин.

Одам ҳайрон қолади — жуда кўп йиллардан бери ҳуқуқий давлат тузалими: ахвол эса бундай.

Менимча, кадрларда гап кўп эканда, Мен бир шинглини баён қилган мазкур тафсилотлар Президентимиз изчиллик билан амалга ошираётган барқарор ижтимоий сиёсатга соя соломаслиги ҳам айна ҳақиқат: мана, суд адолатли қарор чиқарди, адолатни тиклади. Жавобгарлар судда қилмишлари учун қуракда турадиган тайинли вах келтиролмаганликларидан мен... уялиб кетдим. Ваҳоланки, улар ҳар кун ҳар соатда менга ўхшаган инсонларнинг тақдирини ҳал қилмоқдалар.

Энди, охириги гапни эшитинг: суднинг бу қарори 9 март кuni имзоланган эди. Утган уч ой давомида жавобгарлар виқор билан сукут сақладилар, лекин суд қарорини ҳам бажармадилар. Бу орада ҳокимиятга қатнайвериб суд ижросини чарчаб кетди.

Яқинда туман ҳокимлигига кириб, суднинг қарорини кучингиз етса бекор қилингллар, бўлмаса ижро қилингллар деса, келгуси йил ўзимиз сизга ёрдам берамиз деб елкамини силашди.

Аммо менинг ҳали бери тушунлиққа тушиш ниятим йўқ: Президентимизнинг кучли сиёсати ҳар қандай адолатнинг барқарорлигини таъминлашга қодир деган ишонч билан меҳнат қилмоқдаман. Чунки ҳолвани ҳоким еб, калтакни етим ейдиган замонлар ўтиб кетди.

Премьера

«Чегара устидаги уй»

Баязида халқаро миқёсда қабул қилинган қарорлар инсонларнинг зарарига ҳам ишлаши мумкин. Катта сиёсат уйинлари махсули бўлган турли урушлар, ихтилофлар охир-оқибат оддий кишиларнинг тинч ҳаётини издан чиқариб юбориши ҳам кўп учрайдиган ҳолат.

Шу кунларда Ўзбек миллий академик драма театрида намойиш этилаётган «Чегара устидаги уй» пьесасида ҳам ана шу долзарб муаммолар қаламга олинган. Таниқли поляк драматурги Славомир Мрочак томонидан ёзилган пьеса Европанинг бир қатор номдор театрларида муваффақият билан намойиш этилган.

Аслида ҳаётдаги оғриқли муаммоларни чуқур фалсафий таҳлил, психологик ёндашув воситасида очиб бериш Славомир Мрочак каби ижодига хос бўлган хусусият саналади. «Эмигрант», «Очк денгизда», «Қирол» каби пьесаларида ҳам ижодкор ихтилофли каби поляк манзарасини ишонарли ва таъсирчан тарзда очиб беришга муваффақ бўлган. Дарвоқе, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини очиб баён этган бошқа ижодкорлар каби поляк драматурги ҳам бутун умрини муҳожирликда, қувғинда ўтказган...

«Чегара устидаги уй» пьесасида муаллиф инсон характери ва жамият иллатлари ўртасидаги зиддиятга эътибор қаратади. Асар воқеалари ўтган асрнинг ўрталарида Германияда руй беради. Бош қаҳрамон (Мен)нинг тинч-осуда кечаётган ҳаётини дипломатларнинг қутилмаган ташрифи бузиб юборади. Дипломатлар икки мамлакатнинг чегараси унинг уйи ўртасидаги ўзини айтишда иш саҳналар чизигини белгилаб беришади. Барча бошогрик муаммолар ана шундан кейин юзага чиқади. Паспортсиз ошхонага боргани учун Меннинг қайнонасини... отиб ташлашди. Чунки энди хонадоннинг яри бир мамлакатга, қолган яри бошқа давлатга қарашли эди. Таъбир жоиз бўлса, спектакль қаҳрамонлари чегара ҳаётига тушиб қолишди. Дипломатларнинг «оқилона» қарори туйғайли уй ётоқхонаси чегарани у томонда, ювиниши хона-



си эса сарҳаднинг бу томонида жойлашиб қолади.

Шу тарикка спектакль воқеалари ҳаяжонли эпизодлар билан ривожланиб боради. Соқчиларнинг тинимсиз назорати, боқоначи ва чегара-чиларнинг хонадон соҳибини ҳоли-жонига қўймай тергашлари Мен каби табиятан бағри кенг ва тоқатли инсоннинг ҳам сабр қосасини тўлдиради.

Пьеса бош қаҳрамони — Мен ролини миллий театр актёри, таниқли кизикчи Валижон Шамсиев маромига етказиб ижро этишга ҳаракат қилган. Актёр қаҳрамони феъл-атворида руй бераётган мураккаб ўзгаришлар ишонарли акс эттиришга уринган.

Бир оила бошига тушган қуфат орқали бутун жамият, давлат фожиясини тасвирлаган муаллиф пьесадда бир қатор мураккаб ва бетакор характерларни яратган. Қувонарлики, миллий театр актёрлари томонидан оғир ва кўп қиррали характерлар маҳорат билан очиб берилган.

«Чегара устидаги уй» да руй берган ҳодисалар фақатгина Германия давлати ёки Европа мамлакатларига хос бўлган муаммо эмас. Бундан ярим аср муқаддам руй берган воқеалар — инсон қадр ва жамиятда мавжуд расмий қонун-қоидалар ўртасидаги номувофиқликлар ҳозирги замонда ҳам бот-бот учрайди.

Ўзбек миллий академик драма театри саҳнасида намойиш этилаётган пьеса рус тилидан Абдулазиз Раҳматов томонидан таржима қилинган. «Чегара устидаги уй»ни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Бахтиёр Тўраев саҳналаштирган.

Абдул СОБИР



Интервью

Кўприк

Хукмфармолик, давлат бошқарув идоралари халқдан кўриқланадиган, ахборот фақат юқоридан пастга ҳаракатланадиган даврлар ўтиб кетди. Энди биз ахборий цивилизацияда яшаймиз. Энди халқни ахборотдан маҳрум қилиш уни ҳамма нарсдан маҳрум қилиш билан тенг. Яна буни тараққиёт двигателининг ёқилгисиз қолишига ҳам қиёслас бўлади. Фақат юқорининг гапи билан юрадиган

халқ эмас, халқнинг гапи билан юрадиган "юқори" ҳам ахборий цивилизация белгиларидан ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларининг

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унинг натижаси ўлароқ, ташкилотларда ахборот хизматлари ташкил қилиш ишлари жадаллашди.

Ахборот хизматлари жамоатчилик ва ташкилотлар орасидаги кўприк деб аталмоқда. "Кўприк"ларнинг қанчалик мустақамлигини билмоқ ниятида баъзи ахборот хизматлари билан боғландик.

Тўрабек Тўраев (Давлат солиқ кўмитаси ахборот хизмати раҳбари):



— Матбуот хизматининг вазифаси соҳадаги ўзгаришларни халққа тезкорлик ва ҳаққонийлик билан етказиш. Фақат бугина эмас, шунингдек, ахборот хизмати вазифасига жамоатчилик фикрини ифода этиш ҳам қиради. Шунинг учун ахборот хизматларини кўприкка ўхшатиш мумкин. Кўприкда ҳаракат эса икки ёқлама эркин бўлиши шарт. Ахборотнинг эркин айланиши тараққиёт калитидир. Соҳадаги ютуқлар, камчиликлар, қилиниши лозим бўлган ишлар жамоатчилик фикрида намоён бўлади. Ана шунини тўла англаган ҳамда Давлат солиқ кўмитасида 1996 йил матбуот хизмати ташкил қилинган эди. 2006 йил эса номи ахборот хизмати деб ўзгартирилди. Штат бирликлари кўпайди, моддий-техник базаси бойитилди. Хар бир вилоят бошқармаларида ҳам ахборот хизмати ташкил қилинганки, бу бизга кенг қамровда тезкорлик билан иш олиб боришимизга имкон беради.

Баъзида журналистлар солиқ мавзуси аудиторияни зериктириб қўяди дейишди. Аслида ҳаммаси қандай ракурсда етказишга боғлиқ. Мақола "Фалон-фалон қарорларга кўра" деб бошланса, албатта, ўқувчи уни осон қабул қилмайди. Умумий гаплар билан эмас, балки битта одамни қаҳрамон қилиб олиб, унинг фаолиятдан келиб чиқиб мавзу ёритилса, аудиторияга тез етиб боради ва тушуниш осонлашади. Доимий равишда 20 га яқин нашрларни кузатиб борамиз. Иқтисодий, жумладан, солиқ мавзусидаги мақолаларнинг жуда тақчиллигига гувоҳ бўламиз. Борларидан ҳам баъзи жузъий камчиликлар учраб туради. Солиқ мавзусига иختисослашган журналистларни кўпайтириш, улар ёзган мақолаларнинг оммавийлигини ошириш мақсадида махсус ўқув тадбирлари ҳам ташкил қилиб турилган. БМТнинг Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда барча вилоятларда маҳаллий журналистлар учун тренинглар ўтказдик.

— ОАВдаги танқидий чиқишларга қандай муносабатда бўласизлар?

— Давлат солиқ кўмитасида танқидий чиқишларга зудлик билан муносабат билдирилади. Кўмита раиси буйруғи билан дарҳол хизмат суриштируви ташкил этилади, тегишли хулосалар берилади. 2005-2006 йиллар марказий газеталарда чоп этилган солиқ тизими билан боғлиқ танқидий мақолалардаги 77% фактлар ўз тасдиғини топди. 23% фактлар эса ўз тасдиғини топмаган ёки мухбир томонидан чалқашликларга йўл қўйилгани аниқланди. Шулардан келиб чиқиб, 14 нафар солиқ ходимлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Агарда журналист ҳолисона ёндашмаган бўлса, далиллар тасдиғини топмаса, биз нашрга мурожаат қилиб, ходимимизнинг шаънини оқлаб беришларини сўраймиз.

Нодира Қаримова ("Саноатконтехназорат" Давлат инспекцияси ахборот хизмати раҳбари):



— Матбуот хизмати давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлашда, кенг жамоатчилик ва аҳолини юртимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг бориши тўғрисида мунтазам хабардор қилиб боришда, мамлакатни модернизациялаш, фуқаролик жамияти қуришда асосий ўрин эгаллайди.

"Саноатконтехназорат" Давлат инспекциясида мазкур йўналишга иқтисодий ривожланиш ва Давлат инспекциясининг иш фаолияти даражасини оширишнинг стратегик устувор йўналиши сифатида қаралади.

"Саноатконтехназорат" Давлат инспекциясида компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун муайян чора-тадбирлар амалга оширилди. Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари фаолият кўрсатишининг муҳим иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгилаб берувчи қонунчилик базасидан келиб чиқиб, "Саноатконтехназорат" Давлат инспекциясида Ахборотлаштиришнинг миллий тизimini шакллантириш, компьютер техникаси жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, ходимларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида ахборот хизмати 2007 йил февраль ойида ташкил этилди.


Давлат инспекциясида замонавий техник инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, компьютерлаштириш, юқори малакали кадрлар потенциалини тайёрлаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича шарт-шароитлар яратишга қаратилган дастур ишлаб чиқилмоқда. Давлат инспекциясининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, республикамиз санат корхоналарида, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларни беҳтар олиб борилишини назорат қилиш дастурининг мақсади вазифаси ҳисобланади.

Ахборот хизматининг жорий йил учун тузилган режа-ҳадвали бўлиб, Давлат инспекциясининг структурасига кирувчи барча ходимлар билан биргалликда оммавий ахборот воситалари орқали кенг аҳоли оmmasига ўз фаолияти билан боғлиқ сўнги янгилликларни ёритиб бормоқда.

Ф. ЖАББОРОВ
ёзиб олди


Фарғона ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш билимгоҳи жамоаси

эркин фикр, толмас шижоат ва юксак ижодий маҳорат соҳиби бўлган оммавий ахборот воситалари ходимлари — азиз журналистларимизни касбий байрамлари билан самимий табриклайди!




Байрам муборак, азиз журналистлар!


Ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари, хусусан, журналистларнинг ўрни ва роли беқиёсдир.



Ана шундай масъулиятли вазифани уddалашда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига муваффақият тилаймиз ва уларни касб байрамлари билан Ёни дилдан муборакбод этамиз!



Қашқадарё вилояти Қариши шаҳридаги «Асилбек-Зиёда» хусусий фирмаси жамоаси



**Самарқанд вилояти Жомбой тумани
халқ таълими бўлими жамоаси**
мустақил ватанимизда фаолият юритиб
келаётган барча журналистларни ҳамда
матбаачиларни касб байрамлари
билан табриклайди.


Мустақил Ўзбекистонимизда
хуқуқий, адолатли, демократик
жамият барпо этиш жараёнларини
халис ёритиб боришда, буюк
келажакимизга муносиб авлодни
камол топтиришда камарбаста
матбуот ходимларимиздан ҳамини
миннатдормиз. Ижодий маҳора-
тингизни ўстиришда, кўзланган
олижаноб мақсадларингиз амалга
оширишда омад доимо ёр бўлсин!



Самарқанд вилояти Жума пахта заводи

юртимизда фаолият
юритаётган барча
оммавий ахборот воситала-
ри ходимларини касб
байрамлари билан
муборакбод этади.

Машаққатли касб эгалари бўлган журналистларнинг
халқимиз фаровонлиги, юртимиз тинчлиги йўлида бетиним хизмат
қилишларида омад ва муваффақиятлар тилайди.



Сирдарё вилояти “ГУЛИСТОН-ЁГ” акциядорлик жамияти

*Мустақил диёримиз
тараққиётига ўтқир қалами, теран
fikри ва уйғоқ сўзи билан ҳисса
қўшиб келаётган барча журналист-
ларни Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари куни
муносабати билан самимий
муборакбод этади!*



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК
ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН
ХАЛҚ БАНКИ



Мустақил юртимиз
равнақи йўлида меҳнат
қилиб келаётган матбуот
ва оммавий ахборот
воситалари ходимларини
касб байрамлари билан
чин дилдан табриклайди.


**Дастурхонимиз-
дан файз, қут-
барака аримасин!
Хонодонларимиз
обод, дилларимиз
шод бўлсин!**

«Ўзнефтмахсулот» АК
Кўқон хўжалик ҳисобидаги
«МЕЪЁР» корхонаси жамоаси

Озод юртимизнинг эркин фикрли
журналистларини 27 июнь — Матбуот
ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари куни билан қизгин қутлайди.

Бу байрам она-Ватан тараққиётида
матбуот, сўз эркинлиги нечоғлик муҳимли-
гини англаган, уни қувончу ташвишларига
бегараз шерик ва холис суҳбатдош деб
билган барча юртдошларимиз учун
қадридир.

**Байрамнинг муборак
азис журналистлар!**



*Мустақил Ўзбекистонимиз
равнақи йўлида жонкуярлик
кўрсатаётган ҳалол ва ҳаққўй,
заҳматкаш журналистларимизни
касб байрамлари
билан чин дилдан қутлаймиз.
Барчангизга сиҳат-саломатлик,
уроода ва куч-ғайрат, ижодий
фаолиятингизга омадлар ҳамиша
йўлдош бўлишини
тилаб қоламиз.*



Ўзбекистон ёқилғи энергетика комплекси кимё саноати ва геология ходимлари
касаба уюшмалари Марказий Кенгашининг Қашқадарё вилояти вакиллиги



Самарқанд вилояти Жомбой тумани

«Жомбойдон» акционерлик жамияти

*Юртимиз оммавий ахборот во-
ситалари ходимларини касб
байрамлари билан қутлайди!
Халқимиз маънавиятини оши-
риш, жонажон Ўзбекистонимиз
довругини ёйишдек улкан ва
масъулиятли фаолиятингизда
Сизларга муваффақиятлар ёр
бўлсин, азиз журналистлар!*



Юртимиздан қут-барака, тўкин-сочинлик аримасин!



Таассурот

Қишлоқнинг назмий нафаси

Шоир Турсунбой Очиловнинг "Бир яхшилик истайман сизга" (Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006 йил) шеърини китобини ўқиб чиқ...

Ҳақим САТТОРИЙ

Турсунбой Очилов бу китобини эртанин 60 ёшини оstonасидан ошиб ўтган, деган паллада мухлисларга тортиқ қилди.

моқли, оҳангдор, етук сўз бўлиб қоляпти. Бу жиҳатдан "Бир яхшилик истайман сизга" тўпламидаги 7-8 минг мисра атрофидаги шеърларда бирорта ҳам техник нуқсон учрамайди.

Шоир "Тошкент йўлида" шеърда ёзади:

"Икарус" тортади йўлнинг танобин, Кўпчилик ухлайди бамайлихотир, Қадеб пул санаса савдогар хотин, Ким чўнтак пайпаслар олиб хавтир.

Салонда шу хилдаги биқик ҳолат: жувонлар нарх-наводан қизишиб баҳслашадди, кимлардир пул тикиб "жанг" ҳам тикшиди, тамаки дуди...

Дунё ташвишларини кўйиб бир четга, Икки улфат тинмай сипқарар арок, Кўп ўтмай ёт каби ушбу мухитга, Хуррак ота бошлар кайфлари тарок.

Лекин дунёдаги бор гап шу эмас. Ташқарида музаффар ҳаёт ўз қўшиғини қуйламоқда:

Чексиз далаларда ғайрати жўшиб, Ерга ризқ-рўз сочар бобо дехқоним, Кўкман қувшидан гарк терга тушиб, Мехнатга кўмилган Ўзбекистоним.

Автобусдаги ҳолат таъсирчан қалбни жунбушга келтиради, мабодо, халқнинг бори шулар бўлса-чи?

Бирдан гижимланар инфаркт юрагим, Ҳолим оғирлашар — етишмас ҳаво, Бундайлар бор экан пучдир тилагим, Бундайлар яшаркан йўл менга даво.

Шеърнинг пироваврида улғаяётган умид тимсоли, мудом ёруғ кунларга чорлаб турувчи қадрият тилга қиради:

Набирам Ситора менга термулиб, Дeyди, англагандай бобосин ҳолин: — Яхши бўласиз-а, Тошкентда кўриб Темур бобомизнинг отлиқ ҳайкалин?..

Ана шундай фаол гражданик позицияси, воқеликка танқидий назар, ёмонликлардан изтироб ва эзгулик тантанасига ишонч тўпламдаги ҳар бир шеър зуваласига қўришиб кетган. Зеро, боқий шеърят лоқайд хислардан тугилмайди, кўзи милтираб турган ҳар қандай зот Шоир ҳам бўлавермайди.

Турсунбой Очилов бир шеърда бироз афсус билан ёзади:

Айбим шуки, бир умрга Яққабоддан жилолмадим...

Умид билан яшаган инсон орузига етиш учун баъзан дунёқарашини, эътиқодини ўзгартиради, бир қарасанг бўри, бир қарасанг тулки қиёфасига қиради. Бир аъмолни қисмат деб, унинг эътиқодидан тутиш бир фидойиллик бўлса, ҳатто касбни ҳам, қолаверса, яшаш жойини ҳам ўзгартирмай умрини барқарор бир нуқтага тикиш икки қарра фидойиллик бўлса керак. Биламизки, Турсунбой Очилов "қофия сеҳри"га берилган, туман босмаҳонасида ишлаб, шеърлар ёзди. Сўроқларига қишлоқидан, одамларнинг ҳаётиндан жавоб излади. Қишлоқ одамнинг жўн, рангсиз турмуш тарзи беихтиёр унинг мисраларига оҳангдорлик билан акс этди. Ростдан ҳам, қишлоқда яшаб, шоир бўлиш осонми? Бу жойда ҳамма нарсани — орзу, интилиш, қобилият, истеъдод деган тушунчаларни Тиркичилик номили қонуният белгилайди.

Бир халта бугдой топсанг, уни тегиримонга олиб бориб ун қилиб келишинг ўзи тугал бир даҳмаза. Ёки кўзи ёриган сизгиригнинг подадан қайтмаса, бузқочанинг ноласига чидаш учун юрак тош бўлиши керак. Айниқса, одамларнинг оҳанжамасини айтмайсизми? Бу ерлик (қишлоқлик)ларнинг тили оёғидан олдин юради. Девор панасида, дарахт остида, йўл бўйида одамлар гўнбат, фисқ-фасот тарқатишади... Ана шундай ташвишлар ичиде ўтиб кетади қишлоқ одамнинг умри. Бир қарашда шундан бошқа ҳеч вақоси йўқ, аслида замирида тарихийлик,



Турсунбой Очилов "Бир яхшилик истайман сизга"

ҳалоллик, диёнат яширинган турмуш тарзидан ёруғ нуқталарни топа олиш, лойқалар, гирдоблар ичиде боқира, пок туйғуларни заҳа едирмай сақлаб юриш осон эмас. Яна кечинмаларни шеър ҳолда қоғозга тушириш учун нақадар ирода керак.

Турсунбой Очилов ана шу мухитнинг шоири.

Унинг тўпламидаги шеърларнинг энг кўпи — ҳасадгўйлар, ҳасад ҳақида десак муболага бўлмас. Бу ҳол кишини ажаблантиради ҳам: Турсунбой акада бойлик, мансаб бўлмаса, одамлар нега унга ҳасад қилишди экан? Бу ҳолнинг сириҳни эса шундай англадик: у бошқаларга ўқшамаган турмуш тарзини танлаган, вазифасидан фойдаланиб, ўғирламаган, дангиллама уй қурмаган, билъақс, шеър ёзган. Ҳаммани ўз зайлига бўйсундирган даҳмазалардан баланд туриб, бундай манзараларни қофияга солган одам бошқалар устидан қулаётгандек туюлгандир. "Сомон йиғиштирар шоир далада" шеърини маълум ҳолатни ҳазилга югуриб тасвирлар экан, фикрини шундай ақунлайди:

Хуллас, у бахтдан шод, меҳнат махсули Кўрингай сомонмас, балки шеър бўлиб. Насиб этса энди шоир сингари Қишини ўтказди "шеърхонлик" қилиб...

Аслида, Турсунбой Очиловнинг қишлоқда яшайдан орттирган бахти ҳам, бойлиги ҳам шу — беҳабар кишилар тасаввур ҳам қила олмайдиган воқеликдан шеър яратиш! Шоир бу мақсадга бугун восил бўлган. Энди унинг шеърларини бир пайтлар унга писанда қилган қишлоқдошлари ҳам ўқимокда, бу фидойи, хокисор инсонга сидқидилдан эътирофларини изҳор этишмоқда. Зеро, шу ўринда адабиёт, шеърят дилларни, кўнглиларни боғловчи робота сифатида яна бир бор намоён бўлаётир.

Катта йўлга чиқиб олган одамнинг қадам олиши тезлашганидек, Турсунбой Очилов ҳам энди жадал янги шеърлар, тўпламлар устида ишламоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатларга ривож тилаймиз.

Хангомалар

Шунақаси ҳам бўлади

Хижолат

ФВВ матбуот хизмати бошлиғи эдим. 2000 йилларнинг боши. Пойтахтнинг Жанубий вокзал томонида вазирлигимизга қарашли Тез ҳаракат қилиш республика қидирув-қутқарув маркази янги биноси фойдаланишга топширилаётган бўлиб, иншоотнинг очилиш маросими бугун соат 12.00 да белгиланган эди.

Вазиримиз янги иншоотнинг очилиш маросимига бағишланган нутқ матнини менга узатиб: «Ўртоқ Кимсанбоев, у ёқ-бу ёғини кўриб беринг, кейин «Суперсалон»да бирга кетамиз», деди. Матн тайёр бўлгач, учинчи қаватдан пастга тушдик. Вазирнинг ёрдамчиси ҳам шахсий «ГАЗ-31» енгил машинасида жўнамоқчи бўлиб турган экан, вазир менга қараб: «Мен ёрдамчим билан «31»да кетаман, шофёрим билан сиз «Суперсалон»да олдинда кетаверинг», деб қолди.

Иншооткача бўлган масофада саф тортиб турган солдатлар ойналари қорайтирилган «Суперсалон»ни кўрган заҳоти «честь» бериб қўйганида хижолат чекиб келавердим. Бу ҳам майли. Янги бино дарвозасига яқинлашишимиз билан қисм командири, полковник Шорафиков ўнг қўлини чеккасига тираганча шахдам қадамлар билан мен томон кела бошлаганида жуда нуқулай аҳволда қолдим ва хижолат бўлганимдан тезда машина эшигини очиб тушишим билан йиғилганлар қаттиқ кулиб юборишди.

Бўйдоқдан нима қолади?

Вазиримиз мени қабулига қаҳиртириб, Сурхондарё вилоятига хизмат сафарига боришим кераклигини айтиб қолди. Йўл сафари ҳужжатларини тайёрлаб Термизга учдик. Шу кунгек Сурхондарё вилоти факултетада вазиятлар бошқармаси вакиллари билан Термиздан Сароисиёга жўнаб кетдик.

Етиб келганим тўғрисида штаб бошлиғи — вазир ўринбосарига ахборот бериб, вазирлигимиз авария-қутқарув кучлари аҳолини кўчиришда қандай ишлар олиб бораётгани, шу билан бирга ҳарбий ҳаракатларини ҳам ҳолисона ёритиб, матбуотга беришим кераклигини уқитириб ўтдим. Полковник бугунча меҳмонхонада дам олишимни, эртаси куни ҳарбий прокуратура, сапёрлик хизмати вакиллари билан ҳамкорликда вертолётда тоққа учушимиз режалаштирилгани, мен ҳам улар билан бирга бўлиб, воқеаларни тасвирга олишим кераклигини айтди.

Эртаси куни Сароисиё аэропортига келдик. Бизнинг вазирликдан 4 киши, ҳарбий прокуратурадан 2 нафар ходим ва сапёрлардан 8 йигит вертолётда учини белгиланган экан. Ҳарбий прокурор, адлия полковниги Фарход Омонов штабимизга келиб, одам қўлайиб кетгани учун ФВВ ҳодимидан ёки сапёрлардан бир киши қолдирилишини маълум қилди. Шунда вазир ўринбосари мени ундагилар рўйхатидан тушириб, ўрнимга ёш сапёр йигит кетишини айтиб қолди: "Сизнинг унча фарзандингиз бор экан — қоласиз, у йигит бўйдоқ экан — жўнатамиз, гап тамом", деди ҳарбийларга хос кескин оҳангда. Шунда мен ҳам бўш келмай: "Ўртоқ полковник, бирор қори-қол бўлса, мендан унча фарзанд қолади, у бўйдоқдан нима қолади? Хар қандай ҳолатда ҳам мен учушим керак", деб оёқ тираб олгандим, гурр этиб кулги қаттирилди, масала ижобий ҳал бўлди.

Азамат СУЮНОВ

Танишув

Орзумга муштарак, уйғун туш кўрсам

Камалат рангларга бой дунё, Ёр, сенсиз айланди зулматга. Қалбимда яшанган таманно Умрини чорлади қулфатга.

Муштарак орзудан тондингми? Жафокор ишқиде ёндингми? Мени зор қақшатмоқ Аллоҳга Тиз чўкиб ё ичган онтингми?

Қалбиде сақлаган аҳдингни Бир фақир шайдониде билдинг паст. Ўзгадан тополмай бахтингни Жафокаш умрингни қилдинг бас.

Сўрадим сени рух, паридан, Жаннатлар ҳувиллар, бер нидо! Ўтсам-да гуноҳинг баридан Лек ўтмас у дунё... Алвидо!

Сени бир оламга етаклай, Унда гам, хўрликлар ордона. Жаннатий гулларни этаклай, Бир лаҳза қурайлик чордона.

Шоҳиман ахир шу оламнинг Кўнглини овлайди маллика. Алигим зоримас саломнинг Саломим етади алиқка.

Ариди тушқунлик ғовғалар, Нуфузим етар арш бўйига. Хушомад яратган соғвалар — Узатдим ночорлар уйига...

Бир тешик тос қолди ўзимга, Овуғай бир этак боламни — Тикилиб қаранглар кўзимга, Ахир бу — орзулар олами!

Сени бир оламга етаклай.

Бир лаҳза унутиб дунёи дунни, Орзумга муштарак, уйғун туш кўрсам. Ураб эҳтиросга хазина туни, Жиззах тонглирида сени хуш кўрсам.

Лазиз ташрифидан рангиз бўстони, Васлингдан кенгар иқбол осмони, Мазмунларга тўлар умр достони, Кўнглинда жафони фаромуш кўрсам.

Хижронга чалинар севгимиз балки, Интиҳойи нафас, ишқим аввалги. Шайдоий юракка пешовоз тасалли, Толенинда бахтиёр турмуш кўрсам.

Жиззах тонглиридек сени хуш кўрсам.

Сенсизликлар зарбидан Сўқирликда сўнарман. Гуногунлик баҳридан Гофилликда тунарман.

Миллиардлаб мавжудот, Сайёрада ёлғизман. Мўъжизага муножот Айлаб куйган оғизман.

Орзқидиму зорқидим Кечинмалар измида. Чақираман янглишиб Ўзгаларни исмингда.

Тушларимдан мурувват — Аршга қиёс тахлимман. Эҳтирослар муваққат — Уйғонгунча бахтлимман.

Шашқатор кўз ёшлардан Ундирмоққа гул, шайман. Хаёлотда пойингга Ўшал гулни тўшайман.

Толенимдан бахт ариб, Ордонадир бу гуллар. Бораяпман ахтариб, Борса келмас бу йўллар.

Сенсизликда ҳамиша Ҳаётлигинг ёди ёр. Хомхаёллар пишганда Учрашамиз... Шодийёр.

Келажақ бугундан бошланар, Тонготар файзини безатиб. Кўнгишлар янада ёшарар Умидни толега юзлатиб.

Бугунги кунимиз меҳмондир, Эртадан ўтмишга равондир. Унга зўр мурувват эҳсондир Алвидо деб қўйсақ кузатиб.

Жаннатга мензанар бу дамлар, Аримас бахтқашон қадамлар. Кўпаяр элпарвар одамлар Элфурӯш қабихни бўзлатиб.

Меҳмондўст ўзбекка аънана — Йилда уч юз олтиш беш сана Қилмоқлик байрам, тўй-танана, Башарга бахтин кўзқўзлатиб.


Ҳавойи хаёлни ҳайдарман, Еттинчи осмондан қайтарман. Оташин тилақни айтарман Халқимга меҳримни узатиб: Келажақ бугундан бошланар...

ШОДИЁР Жиззах


Жаҳонгир Мирзодан байрам ҳазиллари



ОСИМХОН ВОСИХОНОВ



АБДУРАСУЛ ҲАКИМОВ



ХУСАН СОДИКОВА

Агар кўнгли сўрай десанг, Осимхондан, Ҳажвий расмга эътибор бер ушбу ондан.

Синчков боқса қолшар аро гар аллақим, Ким у деманг, Абдурашул дилга Ҳаким.

«Муштурмига содиқдир ул Хусан шовоғ, «Афанди»нинг руҳсатисиз бермас овоз.

Хажвия

Паст бўйли, лўппи юзли, бит кўзли кимса мультфильмдаги "Винни Пух"га ўхшаб эшикдан пилдираб кириб келди. Қовоғи остидан совуқкина нигоҳ ташлаб, саломлашгандек бўлди. Стулга гўп этиб чўкди. Дастурўмоли билан дўрдоқ лабларини арди. Сўнг чўнтагидан эски, буклоглик дафтар чиқариб, орасидан бир варақ олди-да, менга узатди.

— Янги газалим. Газалин кўздан кечирдим: "Очунимда эрдим токи дилхирам, Нидо қилдинг эй ёр муташаккирам". — Бу газалингизга унча тушунмадим, — дедим унга. — Бошқа шеърларингиз ҳам борми? — Мен шеър ёзмайман, газал битаман... Сиз редакцияга янги келганга ўхшайсиз. Мен умримнинг ярмидан зиёдини газалга бахшида қилдим, газал бирлан сочим оқарди. Бу ҳақда бир мурабба ҳам ёзиб қўйганман. Эшитинг:

Газал бирлан оқарди мўйим, Назм ила юксалди бўйим. Газалининг юки оғир. Хар ким ҳам кўтаравермайди, хар ким ҳам тушунмавермайди. Айниқса, ҳозир редакцияда ишлайдиган ёшлар тушунмайди. Арузни билмайди. Мана сиз, шундай ажойиб асарни тушунмадим, дейсиз. Нега тушунмайсиз? Мана, "Очунимда эрдим токи дилхирам". Яъни уйимда диллим хира бўлиб ўтирган эдим. Хўш, "Нидо қилдинг эй ёр муташаккирам". Яъни сенинг овозингнинг эшитиби эй ёр, жуда хурсанд бўлиб кетдим, бунинг учун раҳмат, деяпман. Хўш, нимаси тушунарсиз?

— Ҳақиқатан ҳам, мен тушунмадим. Яна бирорта соддароқ газалингиз борми? — Мен содда ёзмайман. Бармоқ вазида содда ёзиладди. Мен асли пиллологман, савдога кейин ўтиб кетганман. Йигирма йилдан буён Қиёмий тахаллуси бирлан газал ёза-

Қиёмий



ман. Эшитган бўлсангиз керак, туман газетасида газалларим чиққан. — Нега Қиёмий тахаллусини танлагингиз? — Менинг Кафийлий деган устозим бўлардилар, раҳматлик ичкилик туғайли ўлиб кетдилар, шу киши қўйган бу тахаллуси. Қиёмийга етган газаллар битиб, одамларни хурсанд қилиб юр, деганлар. Хўш, устозларнинг арвоҳи қўлласин. Хўш бўлмаса, мен турай, бошқа ижодий тақшилотларда ҳам юмушим бор. Девон тайёрлапман, элик йиллигини юбилей қилмоқчиман. Хўш, эртага янги газалимни олиб келарман.

Эртасига Қиёмий янги газалини олиб келиб қўлимга тутказди. Рухсори гўзалим бўл менга ҳамсар, Қиёмийдур бу оқшомда сарасор. — Ҳамсар деганингиз нимаси? — сўрадим газалга кўз югуртириб чиққан. — Ҳамсар дегани — ёстиқдош дегани. Кел гўзалим, мени қийнамай ёстиқдош бўлгин, яъни менга турмушга чиқкин, мен оқшомлари га-ранг бўлиб, бошим оғриб юрмайин, демокчиман. Бу ерда яширин фикр, сўз уйини бор.

— Сиз фикрларингизни яшириб ўтирманг. Нима қиласиз архаик, мавхум сўзларни ишлатиб, ўқувчиларни қийнаб, — дед унга тушунтира бошладим. — Сода, равон, замонавий газаллар ёзинг. Биз потиллатиб чиқариб берайлик.

— Сизлар мумтоз, классик асарларнинг қадрига етмайсизлар, чунки тушунмайсизлар, ҳис қилмайсизлар. Майли, замонавий бўлса, за-

монавий. Агар босиб чиқарсанлар, бугундан эътиборан замонавий, долзарб мавзуларда газаллар битурман. Мен ижод қилишдан чарчамайман. Зеро... Шу пайт ҳонага кекса журналист ва шоир Ҳамид ака кириб бир қадам босди-ю, тўхтаб қолди. Кейин худди илон кўргандек шошилиб бурилиб қиқиб кетди.

Қиёмий кетган, Ҳамид аканинг хонасига кириб ундан сўрадим: — Бир нарсга сўрамоқчийдингизми? Жа, тез чиқиб кетдингиз?

— Ёнингизда ўтирган халиги киши Қиёмий эдимми? — Ҳа.

— Бай-бай, Худога шукур, мени кўрмади. Илгари адабиёт бўлимида мени касал қилаёзган... Эртасига Қиёмий хузуримга кириб келди ва деди: — Шоир замон бўларканмиз-да. Мана, истагингизга биноан замонавий шеър битиб келдим. Қулқол солинг:

Суратингни кўрдим жоно ҳурмат тахтада. Билсам голиб экансан, теримда, пахтада.

Қалай? Қулгидан ўзимни зўрга тийиб турардим. Унга таҳририятимиз мавкеи, бугунги шеърят талабалари ҳақида бироз маъруза ўқидим.

— Сизга на классика, на замонавий газал ёқаркан. Майли, изланинг дедингиз, изланамиз. Эртага янги-

сини олиб келаман.

Хуллас, у газал олиб келишдан чарчамади, мен маслаҳат беришдан. Бора-бора Қиёмийни кўрсам, асабини бузилиб, чекадиган бўлиб қолдим. Яқинда эшикдан кириб келиши билан сигарет олиб тутатувдим, у ёндаган газал олиб деди: — Чекиш ҳақида бир фард ёздим. Эшитинг:

Иштаҳани бугадир узлуқсиз чекиш, Олғиз расво айлаб тушиб кетар тиш. Қалай? "Менинг мазам бўлмай турибди, эртага келинг, жон ака", деб ялиниб чиқариб юбордим.

Бироқ у эртасига ҳам, ундан кейин ҳам негадир келмади. Менинг эса тобора мазам қочиб борарди. Врчлар, асабингиз бузилган, деб касалхонага йўллашди.

Касалхонада тўрт кишилик хондан қол беришди. Ўзимга ажратилган қаравотга энди чўзилувдим, ёнимдаги қаравот гижирлаб қолди. Бу ерда бирор қорнини дўплайтириб, юзигача оқ чойшаб ёлиб ўхлаб ётарди. У чойшабни юзидан аста тортиб, "хо-у-у-в" дея энасди. Қўзларини ишқалаб ён-верига аланглади. Нигоҳи менга тушиб суюниб кетди. Бу Қиёмий эди.

— Ия, буни қаранг, нечук шамол учирди?

Баданимга чумоли ўрмалагандек ўзимни нохуш сездим. Оғзимдан зўрма-зўрак сўзлар чиқди. — Мазам йўқ, ўзингиз-чи? — Хар йили бир ётаман, оёқ оғриди. Лекин хар қандай шароитда ҳам ижодни тарқ этмайман. Шу бугун наҳорда замонавий мавзуда бир газал битдим. Эшитинг:

Дўхтирларга оқ халат ярашади, Ҳамширалар сочин силлик тарашади. Қалай? Мен жавоб бермадим. Чунки хушимдан кетиб қолгандим.

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

HURRIYAT newspaper advertisement with contact information, subscription rates, and editorial board details.